Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 2 август, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нархда.

30 (6676)

Ўзбекистон — Россия

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Жаҳон сиёсий вазиятини кузатиб бир нарсага амин бўлиш мумкин. Одатда бир мамлакат иккинчи бир мамлакат билан ҳамкорликка киришар экан, бу давлатларнинг ички аҳволидаги ўхшашлик узилмас ришта вазифасини ўтайди. Бу ўринда, одатда одамларга нисбат бериб айтиладиган «ҳар ким ўз тенги билан» нақлини мамлакатлар тимсолида ҳам кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ривожланаётган давлатлар сифатида Узбекистоннинг Россия билан ўрнатаётган ҳамкорлиги мустаҳкам тагзаминли бўлиб чиқади. Ҳар ҳолда юртбошимизнинг Россияни «ишончли ҳамкор» деб таърифлаганлари бежиз эмас. Бу мамлакат билан «ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини енгишга кўмаклашади ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади» (И.КАРИМОВ).

Утган ҳафтанинг энг муҳим сиёсий воқеаси сифатида талқин қилинаётган Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдиннинг Узбекистонга ташрифи ҳам худди шу мақсадда, яъни икки давлат ўртасидаги ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида бўлди. Тошкентда Узбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида икки томонлама, МДҲ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди. Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Узбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандумни, 1996-1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Шундан сўнг Узбекистон раҳбари ва Россия Ҳукумати Раиси журналистлар билан учрашдилар. Учрашувда икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзолангани алоҳида таъкидланди. Россия ва Узбекистон Марказий банклари ўртасида икки мамлакат миллий валюталарининг эркин айланишини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисидаги, олий таълим, жиноятчиликка қарши кураш, Россия — Узбекистон тўқимачилик холдингини барпо этиш, халқаро радиоастрономик обсерваторияни ташкил қилиш, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Шунингдек, музокаралар чоғида ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларида молия-саноат гуруҳларини тузиш масаласини урганадиган ишчи комиссиясини ташкил этишга ҳам қарор қилинди.

Узбекистон раҳбари мулоқот пайтида мамлакатимиз Россия, Беларусь ва Қозоғистон аъзо бўлган ягона божхона иттифоқига кириш истагини билдирганини, Россия томони эса бу истакни қабул қилганини айтди.

***

Юксак мартабали меҳмон ўз сафари давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовар жойларини бориб кўрди.

Мамлакатимиз бозорларидаги тўқинликни кўриб ҳайратланганини яширолмади.

Россия ҳукумати раҳбари Узбекистонда юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди.

И. БЎРИБОЕВ.

Абитуриент-95



ТЕСТ БИЛИМДОННИ ТАНЛАЙДИ

Кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди. Мавжуд 57 олий ўқув юртига 84 мингдан зиёд йигит-қизлар ҳужжат топширишди. Ҳисобкитобларга кўра бир ўринга 4 абитуриент тўғри келар экан. Шу далилнинг ўзиёқ «талаба етишмаслик оқибатида аудиториялар бўшаб қолади», деган ташвишнинг ноўрин эканлигини исботлайди. Абитуриентлар сони мамлакатимиз аҳолисининг 0,38 фоизини ташкил этади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳовли абитуриентлар ва уларнинг ёру биродарлари билан гавжум. Ерталаб салқин бўлишига қарамасдан абитуриент пешонасидаги терни артиб, елпинади. Бу қуёшнинг эмас, ҳаяжон тафти. Бу ҳаяжон замирида нафақат ўқишга кириш истаги, балки мактабда олган билимларнинг ўзига хос синови, ота-она, қавм-қариндошлар олдидаги масъулият ҳам бор.

Тошкентнинг кўпчилик илмгоҳлари орасида, айниқса ТДТУдаги ташкилий ишлардан мамнун бўлдик. Қабул комиссиясининг масъул котиби Туйғун Қодиров бизни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

Университет бўйича жами 2762 абитуриент ариза топширган, яъни бир ўринга тўрт нафар талабгор бор. Энг кўп ҳужжат топширилган нефт ва газ факультетининг кўрсаткичи бир ўринга саккиз абитуриентдир.

Бир неча соатлик кузатишдан сўнг шундай хулосага келдикки, бунда ақлли йигит-қизлар албатта ўқишга кириб кетишади. Қингирлик эшиклари берк. Бинога кириш чиқишда ички ишлар ходимлари назоратда бўлса, аудиторияларда институт, ҳокимликдан кузатувчилар бор. Имтиҳон топширилган қаватларда Миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан бошқа бегона кишилар юрмайдилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, хавфсизлик хизмати томонидан тўла назорат ўрнатилган.

Яна бир фикр. Т. Қодировнинг айтишича, ҳарбий хизматдан қайтган абитуриент йигитларнинг кўпчилиги имтиёздан фойдаланиш учун қисмдан ҳужжат (тавсифнома) келтирмаганлар, энди қўшимча балл ололмайдилар. Келгуси йилда ҳарбий мутасаддилари ўқишга нияти бор аскарлар буни эътиборга олишлари керак.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Бунда уч йўналиш — авиаракетасозлик, менежмент, авиация ва космик техникалардан фойдаланиш бўйича жами 414 нафар абитуриент ариза берди. Бир ўринга ўртача 3-4 абитуриент тўғри келади.

Қабул комиссияси масъул котиби Ҳасан Орифжоновнинг айтишича, энг кўп талабгор менежмент йўналиши бўйича бўлиб, бир ўринга саккиз абитуриент тўғри келаркан.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Суҳбатдошимиз институт қабул комиссияси раисининг ўринбосари, ўқув ишлари проректори Эгамберди Умрзоқов.

— Талабгорлар сони 2458 нафар бўлиб, 735 жой учун имтиҳон топширяпти. Энг кўп ҳужжат тарих-ҳуқуқшунослик факультети ва бошланғич таълим методикаси факультетига топширилган. Бир ўринга 6 талабгор тўғри келади. Бу йил янги — инглиз тили бўлими ҳам ташкил этилиб, унда рус ва ўзбек гуруҳларига 40 ўринга 100 дан ортиқ ҳужжат қабул қилдик.

Тест синовлари ўтказилаётган биноларнинг тевараги одамлар билан гавжум. Кимдир фарзандининг, кимдир қариндош-уруғининг тезроқ имтиҳон хонасидан чиқиб: «Ҳаммаси осон экан, хавотир олманглар, насиб бўлса, энг кўп баллни мен тўплайман», — дея жилмайишини кутиб турибди. Барчанинг юз-кўзида умидворлик, кўнгилларида ҳаяжон.

Биз серсоя йўлакда абитуриентлар кириб кетган эшик томон интиқлик билан тикилиб турган, ўрта яшар кишини суҳбатга тортдик.

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз?

— Мен — Қурбон Турдиев, қашқадарёликман, қизимизнинг имтиҳондан чиқишини сабрсизлик билан кутиб турибман. Қизимнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киришга иштиёқи зур. Ғайрати ҳам чакки эмас. Энди, ё, насиб...

— Сиз бу йилги кириш имтиҳонларида кўнгилсиз ҳолларга, адолатсизликларга йўл қўйилади, деб ўйлайсизми?

— Энди, ука, инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин. Олдиндан бир нима дейиш қийин. Бироқ қизимнинг ҳужжатларини топширган кундан то бугунгача ҳеч бир шубҳали ҳатти-ҳаракатни сезмадим... Ўйлайманки, бу ёғи ҳам кўнгилдагидек булади.

Соат 11 лар атрофида ҳамма кўз тиккан эшикдан тест синовларини топшириб чиқаётган илк абитуриентларнинг аввал ўзлари, сўнгра, табассумлари пайдо бўлди. Суҳбатга шошилдик.

— Мен Нодир Мамедов, — деди қотмагина успирин қариндошлари қуршовидан аранг сиғмай чиқаркан. — Имтиҳонларни маза қилиб топширдик. Тартиб жойида. Кузатув жуда кучли. Ҳеч ким ножўя ҳаракат қилолгани йўқ.

— Мен Феруза Юсупова, — деб таништирди ўзини озгингина қиз, — ҳамма саволлар ўша, «Маърифат» газетасида эълон қилинган тест топшириқларидан тушди. Ўша газетанинг махсус сонларини олиб, яхши тайёрлангандим. Худо хоҳласа, бу ёғи ёмон бўлмайди. Тест топшириқларини эълон қилганларга раҳмат.

Бундай фикрни биз Тошкент давлат шарқшунослик институти шарқ филологияси факультетига ҳужжат топширган Ҳасан-Ҳусан Файзуллаевларнинг онаси Мукамбар Мақсудовадан ҳам эшитдик.

Яна бир гап. Кўпгина ота-оналар шу пайттача «Маърифат»да босилган тестларнинг имтиҳонларда тушишига гумон билан қараётган эдилар. Кеча уларнинг фарзандлари ота-оналарига бор ҳақиқатни айтиб беришди. Барча тест саволларининг газетада ошкора берилганидан, унинг ташаббускорларидан, жон куйдирганлардан мамнунликларини изҳор қилдилар. Бу мавзуга имтиҳон натижаларини билгач, яна қайтамиз.

Ҳалим САЙИД,
Луқмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

Суратда: абитуриентлар тест топшириқларини бажаришмоқда.

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

«Маърифат» хабарлари

ОЛҚИШ ЖАМҒАРАЁТГАН ЖАМҒАРМА

Самарқанд Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси қошида «Меҳр-шафқат» жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Жамғарма ҳозиргача оғир моддий тангликда қолган 59 нафар касаба уюшмаси аъзосига сезиларли ёрдам кўрсатди. Шунингдек, жамғарма маориф ходимларининг кўнгилли дам олишини ташкил этиш мақсадида ҳам турли тадбирлар тузиб, олқиш топишга ҳаракат қилишаяпти. Олқиш ҳам олтин-да...

ИҚТИДОРЛИЛАРГА КУН ТУҒДИ

Айтишларича, қобилиятли ёшларга йўл кўрсатмоқ лозим, қобилиятсизлари ўзи топиб олаверади. Худди шу мақсадда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Иқтидорли ёшларнинг вилоят маркази» ташкил этилди. Марказ иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бирга улардаги қобилиятни янада юксалтиришни ҳам ўз вазифаси қилиб белгиламоқда.

МАКТАБ «МАЪРИФАТ»ЛИ, «МАЪРИФАТ» ГИЛАМЛИ БЎЛДИ

Қамашидаги Ғ. Ғулом номидаги 63-ўрта мактабда «Маърифат» газетаси куни ўтказилди. Шу муносабат билан мактабда «Маърифат» бурчаги ташкил қилинди. Яна бир гап. Мактабда бурноғи йили гиламчи қизлар тўгараги очилганди. Ҳозиргача 20 та гилам тўқилди. Йигирманчи гилам эса, мактаб жамоаси томонидан «Маърифат» газетаси муҳарририятига ҳурмат ва дўстлик рамзи сифатида тўҳфа қилинди.

«ЎТМИШГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИК...»

Нишон туманидаги Беруний номли лицейда «Нишон тарихи» музейи ташкил этишга киришилди. Насиб қилса, янги ўқув йилидан бошлаб музейнинг халқ таълими, пахтачилик, деҳқончилик ва бошқа соҳага оид бўлимлари ёшларга тарихдан сабоқ бера бошлайди.

МАКТАБ ТАЪМИРЛАНДИ

Дўстлик туманидаги 1-ўрта мактабда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Бу ишда туман ун маҳсулотлари корхонаси яқиндан ёрдам берди. Мактаб бошдан оёқ янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

МАКТАБ... ТАЪМИРЛАНМАДИ

Худди шу туманнинг 4, 5, 6-ўрта мактабларида эса таъмирлаш ишлари ўтказилмади. Ўқитувчилар «Йил давомида тоза ва сифатли сақланган боис, мактаб таъмирга муҳтож эмас — шундоғам бошдан оёқ янги ўқув йилига шай», деган қарорга келишди.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС МАКТАБ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Олий ва ўрта таълим тизимини янада такомиллаштиришга, кўп босқичли мутахассислар тайёрлашга, кадрлар тайёрлаш жаҳон тажрибаси ютуқларини Ўзбекистон ўқув-таълим амалиётига жорий этишга муҳим аҳамият бериб Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўйича республика ўқув-методика кабинети;

Тошкент давлат университетининг социологик тадқиқотлар маркази негизида Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

бозор иқтисодиёти талабларига, республиканинг ижтимоий соҳасидаги ўзгаришларга мослашишга қодир бўлган кўп босқичли таълим муассасаларининг замонавий моделларини барпо этиш;

ахборот технологиясидан, педагогик тест усулидан кенг фойдаланган ҳолда мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий усулларини ўқув жараёнига жорий этиш;

жамиятни қайта ўзгартиришнинг ҳуқуқий ва демократик принципларини қарор топтириш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш ғояларига содиқ ватанпарварларни тарбиялаш асосида талаба ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш;

талаба ёшларнинг билим даражасини тест орқали назорат қилиш ва баҳолаш усулини Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув жараёнига жорий этиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш;

таълим муассасаларининг ўқув фанларини компьютерда ўқитишга босқичма-босқич ўтиши бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

касб-ҳунар таълими ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мутахассислари ва ўқитувчилари малака даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларини маблағ билан таъминлаш ва ўзини — ўзи маблағ билан таъминлаш механизмини, шунингдек, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш шаклларини яратиш;

бозор иқтисодиёти шароитларида ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг энг мақбул йўлларини излаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти тузилмасини, Уставини ва унинг тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиш принципларини акс эттирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1996 йил ва кейинги йиллар прогнозида, тегишли равишда маблағ билан таъминлаган ҳолда, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти мавзулари бўйича давлат дастурлари шакллантирилишини назарда тутсин.

5. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Тошкент архитектура-қурилиш институти биносига жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй.

6. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти харажатлари билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган умумий маблағлар доирасида амалга оширилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва фан бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил 31 июль.

Халқ таълими вазирлигида

ҲУНАР ҲАМ ИЛМДИР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни вазир Ж. Ғ. Йўлдошев очди ва олиб борди.

Ҳайъат мажлисида «Янги иқтисодиёт шароитида Қашқадарё вилояти ҳунар билим юртларида қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ишчи ходимлар тайёрлашда ўқув хўжаликларидан унумли фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида» вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Мусурмонов ахбороти тингланди ва муҳокама қилинди.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан қишлоқ ёшларини жойларда ривожланаётган енгил ва маҳаллий саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш, халқ ҳунармандчилиги касбларига тайёрлаш, пахта ва ғалла мустақиллиги сари давлатона сиёсатга амалий жавоб беришда бир қатор амалий ишлар қилинди.

Бироқ, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ҳунар билим юртлари фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Истиқбол режалари шунчаки тузилган. Тажрибаларни ўрганиш ва тарғибот қилиш йўлга қўйилмаган. Болаларни ишлаб чиқаришга солишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги ташвиқоти чоралари кўрилмаган. Қолаверса, ўқув хўжаликлари ўтган йилда топширган 38,2 тонна пахта толасининг пули ҳам ҳали-ҳануз уларнинг қулига теккан эмас. Техникаларнинг қаровсизлиги, дарсларнинг юзаки ўтилиши, амалий машғулотлар учун шароит яратилмаганлиги ҳоллари учрайди.

Айтиб ўтиш керакки, ўқув хўжаликларига ажратилган ерларнинг асосий қисми лалми, суғорилмайдиган ерлардир. Аммо суғориладиган ерлардаги ҳосилдорлик ҳам кўпчилик ҳолларда вилоятдаги ўртача даражадан ҳам бир неча бор паст.

Тўғри, ўқувчи ҳали пахтакор эмас, уни ҳосилдорлик учун тергаш ноўрин. Аммо ҳунар билим юртларини ташкил этишдан муддао — халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлашдир. Бундай мутахассислар эса паст кўрсаткичлар, юзакиликлар билан тайёрланмайди. Яна бир истагимизни айтиб ўтмоқчи эдик: ҳунар билим юртларини фақат кетмончилик, тракторчилик дея билмаслик керак. Бугун замонавий бизнес, бозор иқтисоди ходимлари керак, менежерлар, маклер ва брокерлар, компьютерни «сайратадиган» муҳандислар тайёрлаш лозим, зеро биз XIX аср учун эмас, XXI аср учун фуқаро тайёрлаяпмиз.

Ҳайъат йиғилишида «Янги 1995-96 ўқув йилига тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди. «Ўқув муассасаларини дарслик, дастурлар, қўлланмалар ва услубий адабиётлар билан таъминлашнинг аҳволи» ҳақида РТИММ директори Ҳ. С. Қудратуллаев, «Олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида ўқитувчиларни тайёрлаш тўғрисида» ХТВ Педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бошлиғи М. С. Яҳёев, «Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини кучайтириш тўғрисида» ХТВ «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси бошлиғи Б. М. Ҳамидов ахбороти тингланди ва мунозара қилинди. (Янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари ҳақида газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқишингиз мумкин).

Ҳайъат мажлиси, шунингдек, «Бошланғич таълим» журналининг таҳрир ҳайъатини тасдиқлаш, «Соғлом авлод учун» журналини ташкил этиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда педагогик соҳа олимлари учун академик Сиддиқ Ражабов номидаги мукофотни таъсис этиш ҳақидаги масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Барча кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида Узбекистон республикаси Президенти етакчи консультанти Ислом Турсунов қатнашди ва сўзга чиқди.

ШТАБ ЙИҒИЛИШИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида янги ўқув йилига тайёргарлик штабининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Таълим-тарбия масканларининг янги ўқув йили ҳамда қиш мавсумига тайёргарлиги йиғилиш кун тартибининг асосий масаласи қилиб қўйилди.

Йиғилишда пойтахт таълим муассасалари раҳбарлари, туман халқ таълими бўлими мудирлари, Тошкент шаҳридаги лицейлар, мактаб-интернатларнинг директорлари иштирок этишди. Улар ўқув даргоҳларида таъмирлаш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида муфассал ахборот бердилар.

Штаб йиғилишини Узбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов бошқариб борди ва муҳокамани якунлаб, янги ўқув йилига тайёргарлик борасидаги энг муҳим вазифаларни қайд этди. Таълим бошқарув идоралари ва муасасалари раҳбарларига шу йилнинг 15 августига қадар пойтахт мактаблари таъмирини тула тугаллаш вазифаси юкланди.

***

КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш юзасидан вазирлик комиссиясининг навбатдаги йиғилишида таълим муасасаларида мазкур Қонун қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Бу хусусда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов ахборот берди. Қонун талабларидан келиб чиқиб, вазирлик тасарруфидаги идоралар, бошқарма ва ташкилотларда давлат тилида иш юритиш асосий вазифа эканлиги таъкидланди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Бу борада ишларнинг қандай бориши ҳақида Халқ таълими вазирлигининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириши комиссиясига ҳар уч ойда маълумот бериб бориш топширилди.

Вазирликдан турли идораларга юборилади ган ҳужжатларнинг Давлат тилида бўлиши шартлиги алоҳида қайд қилинди.

Н. ИСКАНДАРОВ.

«СУВ ВА БОЛАЛАР...»

«Сув — ҳаёт манбаи» — деган кўзтортар шиорни кўп кўрганмиз. Гарчанд кўрган бўлсак-да, ҳамиша ҳам мағзини чаққанимиз йўқ. Ҳолбуки, бу баайни ҳақиқатдир. Заминнинг кўп қисми уммону дарёлардан — сувдан иборат. Одам танасининг, айтишларича, кўп қисми сувдандир. Сув қочган ер саҳрога айланади. Одамдан сув кетса, қурийди. Агар биз сув қадри ҳақида чуқурроқ ўйлаганимизда эди, бугун минтақамизда мавжуд сув заҳираларини сақлаб қолиш, тежаш ва кўпайтириш муаммоси бу қадар долзарблашмаган бўларди.

Яқинда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Халқаро «Экосан» жамғармасининг қўшма ҳайъати йиғилди ва республика «Сув ва болалар» комплекс дастурини тасдиқлади.

Қўшма ҳайъат йиғилишини халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев очди. Дастур ҳақида вазирликнинг бошқарма бошлиғи М.Шафиев ахборот берди. Ҳайъат йиғилишида қатнашган Узбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консултанчи И.Турсунов, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг биринчи муовини А.Жалолов, Халқаро «Экосан» жамғармаси президенти муовини А.Ҳожибеков, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг сув муаммоларига доир бошқармаси бошлиғи С.Мирзаев ва бошқалар муаммонинг кескинлиги ва ҳал қилишнинг ҳаётий зарурат экани ҳақида гапирдилар.

Хўш, сув муаммоси умумдавлат ишига айланган экан, ҳукумат ташкилотларининг бошини бирлаштираётган экан, бунинг болаларга тааллуқлилиги қанчалик? Болалар — бу сувнинг истеъмолчиси, унинг тозалигидан манфаатдор, болалар — эртага шу сувларнинг тақдирига ҳам масъул бола бошлайдилар, қолаверса, сувга аждодларимизга хос, бугун унутилаёзган муносабатни — эъзоз ва ҳурматни болаликдан ўйготиш керак. Иншоллоҳ, шундагина, эҳтимол бир замонлар бўлганидай дуч келган ариқдан ҳайиқмай ҳовучлаб сув ичиб кетаверармиз.

К.БАҲРИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИЗОҲ. Бу муаммога кейинги сонларда батафсил тўхталиш ниятимиз бор.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳаётга татбиқ этиш учун жойларда анча ишлар қилинмоқда. Масалан, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 6 та давлат педагогика институтлари, 33 та педагогика билим юртлари ва 3 та индустриал-педагогика техникумлари жамоалари халқ таълими муассасаларини юқори малакали мутахассисллар билан таъминлашга алоҳида эътибор бераётирлар.

1995/96 ўқув йили учун ёш мутахассислар тақсимоти якунлари бўйича вазирликка қарашли 6 та ДПИнинг 3500, ўрта махсус ўқув юртларининг 2664 битирувчиси, шунингдек, олий таълим ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги университетлар ва олий ўқув юртларининг 7775 битирувчиси, Марказий Осиё республикаларидан 112 мутахассис ишга тақсимланди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ДПИларни 3465, ўрта махсус педагогика ўқув юртларини 3254 киши тугатди.

Олий ўқув юртларининг илмий-педагогик салоҳияти ривожланиб бормоқда. 6 та ДПИнинг 217 кафедрасида 2358 ўқитувчи, шундан 65 фан доктори, 791 фан номзоди (36,3 фоиз, 1993-94 ўқув йилида эса 32,8 фоиз) меҳнат қилмоқда. Вазирлик тасарруфидаги аспирантурада 283 (кундузги — 213), докторантурада 21 киши таълим олмоқда. Охирги 3 йил ичида Нукус ДПИда — 4 киши фан доктори, 15 киши фан номзоди, Тошкент ВДПИда — 2 киши фан доктори, 14 киши фан номзоди, Навоий ДПИда 16 киши фан номзоди илмий даражаси ҳимоясини қилдилар. Ўрта махсус ўқув юртларида 2438, шундан 269 олий тоифали ўқитувчилар таълим бермоқдалар.

Мактабларда, ҲТБЮлари, педагогика таълим шохобчаларида фанларни ўқитиш янги, такомиллашган дастур ва режалар, ўқув қўлланмалари асосида ташкил этилди, мактабдан ва синфдан ташқари муассасалар иши бирмунча фаоллашди. Янги турдаги ўқув муассасалари 1993—1994 ўқув йилидагига нисбатан 19 фоизга, алоҳида фанларни чуқурлаштириб ўрганиладиган мактаблар ва синфлар сони икки баробарга кўпайди.

1994—1995 ўқув йилида ишчи кадрлар тайёрлаш, айниқса, қишлоқ жойларида, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар етиштиришга, халқ ҳунармандчилиги йўналишидаги касбларни ёшларга ўргатишга эътибор кучайтирилмоқда. Республика халқ таълими вазирлиги қошида Марказий штаб тузилди ва ахборотлар эшитилиб, тегишли кўрсатма ва тавсиялар бериб борилаяпти.

Янги 1995/96 ўқув йилида таълим муассасаларини дарслик, дастурлар, қўлланмалар ва методик адабиётлар билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 77 номдаги режалаштирилган дарсликлардан 15 июлга қадар 54 номдаги (1548200 нусхада)си чоп этилди ва савдо тармоқларига юборилди. Режадаги дарсликлардан 4 таси қиёсий, 16 номдагиси эса янги оригинал дарсликлардир.

Халқ таълими муассасаларининг янги ўқув йилига тайёргарлигини таъминлаш ишида қатор камчиликлар ва тезкорлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, «Ўқитувчи» нашриёти орқали республика махсус мактаблари учун 5 номдаги дарсликнинг 1 таси, олий ўқув юртлари учун 49 номдагининг 7 таси, ҳунар билим юртлари учун 10 номдагининг 1 таси, педагогика билим юртлари учун 2 номдагининг 1 таси чоп этилган, холос.

Ўқиш рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар учун қўшни давлатлардан 309 номда дарсликлар харид қилиш режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар бирорта ҳам дарслик етиб келмаган. Айрим республикалар билан бу ҳақда шартнома тузиш масаласи ҳал бўлмаяпти.

Баъзи вилоят халқ таълими бошқармалари мактаб кутубхона жамғармасига киритилган дарсликларни харид этиш ва жойларга етказилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Туман халқ таълими бўлимлари республика ва вилоят таъминот корхоналарига ўз вақтида пул ўтказмаётганлиги сабабли жиҳозлаш учун мебель ва баъзи бир ўқув қуроллари олинмай қолмоқда.

Умумтаълим мактабларининг мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик, жисмоний тарбия, меҳнат, бошланғич синф ихтисосликлари бўйича ўқитувчиларнинг 40-60 фоизигина олий маълумотга эга. Мактабларда рус тили ва адабиёти, чет тили меҳнат, чақириққача ҳарбий тайёргарлик ҳамда жисмоний тарбия фанларидан ўқитувчиларга катта эҳтиёж мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасида мактаблар қошида оромгоҳлар умуман ташкил қилинмади. Жиззах, Фарғона вилоятларида мактаблар қошидаги оромгоҳларга ўқувчилар етарлича жалб қилинмаган. Раҳбар ходимлар ишчан бўлганида бу каби ҳолатлар юз бермаган бўлур эди.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, республика таълим илмий методика маркази директори:

Ўқув йили ҳам яқинлашиб қолди. Вазифалар эса бисёр. Таълим жараёнини мукаммаллаштириш, тарбияни юксалтириш, қисқаси, ўсиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказиш. Август кенгашлари ўз мазмун-моҳиятига кўра, натижаларни таҳлил қилади ва галдаги вазифаларни белгилайди.

Республика таълим илмий методика маркази ҳам янги ўқув йилига жиддий тайёргарлик кураётир. Дастурлар, қўлланмалар билан таъминлаш масалалари ҳал этиляпти. Зотан, дарсликларсиз, қўлланмаларсиз, дастурларсиз таълим ҳам, тарбия ҳам ривожлана олмайди. Кейинги йилларда ўз она тилимизда нашрларни босиб чиқаришга катта аҳамият берлаётир. 1995—96 ўқув йили учун «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 77 номда 26 миллион 422 минг нусхада дарслик чоп этилиши режалаштирилган эди. Уларнинг асосий қисми таълим муассасаларига юборилди. Мазкур дарсликларнинг 15 номдагиси ўзига хос, янги бўлиб, унда мустақил юртимизнинг қадриятлари, маданий мероси, тарихий обидаларига оид маълумотлар аксини топган.

Ўқув-методик адабиётларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш — бу давр талаби. Шунинг учун бугунги кунда илмий-методик маркази жойлардаги малака ошириш институтлари, услубчилар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг тажрибаси, малакасидан фойдаланяпти. Илғор тажрибалар ёритилган дарслик, қўлланма тавсиянома ва ишланмаларни барча таълим-тарбия муассасаларига етказишни яқин келажакдаги зарур ишларимиздан бири деб биламиз.

Маълумки, республика илмий-методика маркази, вилоят методистлари томонидан кўпгина тавсиянома ва дастурлар яратилиб, тарқатилди. Август кенгашларининг шўъба йиғилишлари кун тартибида ана шундай муҳим манбалар юзасидан жиддий фикр юритилишини истардик.

Бизнингча, мактабгача тарбия шўъбаси қуйидаги янги тайёрланган дастур ва методик қўлланмаларга эътиборни қаратиши лозим. Л. Муминова, Л. Аюповаларнинг «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга савод ўргатиш дастури», М. Икромовнинг «Болалар боғчасида доира жўрлиги остида ҳаракатли ўйинлар», М. Дадабоеванинг «Кичкинтойлар учун қўшиқлар», С. Охунжонованинг «Болангиз мактабга тайёрми?» китоблари шулар жумласидандир.

Адабиёт фанида умумтаълим мактаблари учун турлича янги усуллар: муаммоли таълим, тест усули, баҳс-мунозара, викторина, чистон, мусобақа дарси, саёҳат дарслари орқали адабиёт, санъат, тарих музейларига бориш, ўқитувчи-ўқувчи сўзлашуви орқали дарслар ўтиш ҳам тавсия этилади. Шу қатори янги дарслик, қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, 7-синф учун «Ўзбек адабиёти» дарслигига янгидан киритилган «Равшан» достони, М. Қошғарийнинг «Девони луғотит турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ», Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарларидан парчалар берилгани қадриятларимизни юксалаётганидан далолат беради.

Ўқитувчилар адабиёт дарсини ўтишда «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Гулистон», «Тил ва адабиёт таълими» журналларидан, вақтли педагогик матбуотдан фойдаланадилар. Қатағон йиллари қурбонлари Чулпон, Фитрат, Беҳбудий, Суфизода, Элбек ва бошқалар ҳақидаги қўшимча маълумотларни олиш ҳам фойдадан холи бўлмасди. Бу материаллар, шубҳасиз, шўъба йиғилишларига янгича мазмун бағишлайди.

Батафсилроқ маълумот олиш учун эса Республика таълим ижодий методика маркази томонидан чоп эттирилган 1995—96 ўқув йилида август кенгашларини тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги методик тавсияномага мурожаат қилиш мумкин. Тавсияномa Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят халқ таълими бошқармаларига тарқатилган. Унда барча фанларга оид методик маслаҳатлар кенг ва атрофлича кўрсатиб ўтилган.

Шўъба йиғилишларини ўтказаётганда республикамизда бўлаётган туб ислоҳотлар, бозор иқтисоди шароитини инобатга олиб, қайси фандан таълим беришимиздан қатъи назар, ўқувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий экологик билимини оширишга эътибор қаратишимиз лозим. Зеро, мазмун ва моҳият ҳам шундадир. Ўқувчи бугун бу ёватан ўзиники эканлигини англасин! Унинг табиатини севсин! Бир зарра, томчи бўлса ҳам суву донини тежасин! Бозор иқтисоди деб аталмиш майдондан ўз улушинигина эмас, балки уни икки-уч ҳисса қилиб чиқаришни ўргансин. Бу ўқитувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардандир.

Мухтор ЯҲЁЕВ, ХТВ педагогик таълим ва фан бош бошқармаси бошлиғи:

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётир. Мазкур ўқув юртларида таълим муассасаларини ўқув режалари ва дастурлар билан таъминлашга катта аҳамият қилинмоқда. Жумладан, педагогика институтларининг 38 та мутахассислиги бўйича янги ўқув режалари ва ихтисос тавсифномаларини, шунингдек бу режалардаги 500 дан ортиқ мутахассислик фанларидан таълим стандартлари лойиҳаларини яратиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ишга асосан Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг юқори малака ва тажрибага эга бўлган ўқитувчи мутахассислари жалб қилинди. Шунингдек, педагогика ўқув юртлари учун ўқув дастурлари қайта ишланмоқда.

Барча педагогика ўқув юртларида республика Президенти И. А. Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганишга доир тадбирлари ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди ва уларнинг бажарилиши назорат қилинмоқда.

Таълим муассасаларида 1995/96 ўқув йилининг соатлар ҳисоби ва ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари белгилаб қўйилди. Педагогика институтларида профессор-ўқитувчиларнинг штатлари қайта белгиланиб, шартномалар янгиланмоқда.Жумладан, вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси педагогика институтларини юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар билан барқарор таминлаш, бу институтларга Узбекистон Фанлар академияси институтлари, Тошкент шаҳридаги етакчи олий ўқув юртлари профессор-олимларини мураккаб фанлар, махсус ва янги киритилаётган курслардан лекциялар ўқиш, машғулотлар олиб боришга мунтазам жалб қилиш; институтлар қошида гимназия, лицей, коллежлар ташкил қилиш назарда тутилган. Жумладан, узлуксиз педагогик таълимни амалга ошириш имконини берадиган ўқув комплекслари ташкил қилинаётир.

Олий ва махсус педагогика ўқув юртларига талабалар қабули ташкилий равишда ўтказилмоқда. Педагогика институтларининг кундузги бўлимига 1 ўринга 3,7 ҳамда сиртқи бўлимга 1 ўринга 3 ариза тўғри келди. Барча педагогика институтларида «инглиз тили» мутахассислиги очилиб, жами 330 ўрин берилди. Шунингдек, аввалда фақат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтидагина «Ҳарбий чақириққача тайёргарлик ва жисмоний тарбия» мутахассислиги бўлган бўлса, ҳозирда қолган 5 та педагогика институтларида ҳам бундай муахассислик очилиб, унга 270 янги ўрин берилди. Бу мутахассисликларнинг очилиши уларнинг моддий техника базасини яратиш, ўқув-методик адабиётлар ва педагог кадрлар билан таъминлашни тақозо қилади.

Жорий ўқув йилида 22 та педагогика билим юртларида ўқувчилар қабули компьютерлар воситасида ўтказилмоқда.

Афсуски, умумтаълим мактабларининг мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик, жисмоний тарбия, меҳнат , бошланғич синф ихтисосликлари бўйича ўқитувчиларнинг 40—60 фоизигина олий маълумотга эга. Мактабларда рус тили ва адабиёти, чет тили, меҳнат, чақириққача ҳарбий тайёргарлик ҳамда жисмоний тарбия фанлари ўқитувчиларига эҳтиёж катта. Таълим муассасаларида ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетган. Айрим қисмлари ишдан чиққанлиги сабабли жойларда қўплаб техника воситалари (кинокўрсатув аппаратлари, эпидиаскоп, кодоскоп, лингафон кабинетлари) яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Педагогика билим юртларидаги ўрта умумтаълим фанлари (физика, кимё, биология), тиббий билимлар асослари бўйича ўқув-моддий базасини етарли деб бўлмайди. Педагогика институтларининг қатор мутахассислик фанларининг намунавий ўқув дастурлари ишланмаган. Ангрен, Жиззах педагогика институтларида қишки-кузги мавсумга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ёнғиндан шикастланган биносини таъмирлашни ниҳоясига етказиш зарур. Бир қатор педагогика билим юртларининг номларини ўзгартириш масаласи ҳамон ҳал бўлмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, педагогика ўқув юртларини янги 1995/96 ўқув йилига тайёргарлигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди.

Навоий, Нукус, Жиззах, Ангрен, Қўқон педагогика институтларида ҳарбий кафедралар очиш, уларни тегишли ҳарбий техника ва жиҳозлар, махсус ўқув-методик адабиётлар ва офицер кадрлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш, Тошкент шаҳар педагогика билим юртлари жамоаларининг В. И. Ленин номли Тошкент педагогика билим юртини 1-Тошкент педагогика билим юрти, Н. К. Крупская номли Тошкент педагогика билим юртини, 2-Тошкент педагогика билим юрти деб аташ ҳақидаги таклифлари маъқулланди.

Баҳодир ҲАМИДОВ, ХТВ «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси бошлиғи:

Моддий таъминот етарли бўлмаган жойда маънавий юксалиш бўлиши қийин. Хусусан, таълим муассасаларини керакли анжомлар билан тўла-тўкис таъминламасдан, уларнинг моддий-техника базасини кучайтирмасдан туриб, маънавий тарбияга эриша олмаймиз.

«Таълим-таъминот» Бош бошқармаси ва унга қарашли жойлардаги корхоналарнинг асосий вазифалари халқ таълими базасини кучайтиришдан иборат. Бу борада бошқарма кўпгина ишларни амалга оширганлигини таъкидлаш зарур. Айниқса, ўтиш даврининг қийинчиликларини ўқув жараёнига таъсир эттирмай, бошқа республикалардан мол айрибошлаш йўли билан ўқув қуроллари, қоғоз, газ қувурлари, мебель, қурилиш материаллари келтириб, таълим муассасаларида таъминлаш ишларини ўз вақтида ўтказишга қўшаётган ҳиссаси алоҳида ўрин эгаллайди. Жойлардаги таъминот корхоналари ҳам ташқаридан мол келтириб, вилоят халқ таълими муассасалари моддий базасини яхшилаш учун ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

«Таълим-таъминот»нинг 1994 йил мол айрибошлаш режаси 66,6 млн. сўм ўрнига 208,5 млн. сўм ёки 313 фоиз қилиб бажарилган бўлса, 1995 йилнинг 1-ярим йиллик режаси 173,5 млн. сўм ўрнига 332,8 млн. сўм қилиб (193 фоиз) бажарилди. Ўқув ишлаб чиқариш режасини бажариш учун 1995 йилнинг 1-ярмида 140 минг метр мато, 60 куб. м. тахта, 80 куб. м. фанера, 3 тонна мих, 2 тонна электрод, 1000 кв. м. ДВП, 5 тонна темирбурчак берилди.

Вилоятларда ўқув қуроллари, қурилиш материаллари билан савдо қилувчи кўплаб дўконлар, ўқувчилар стол-стулларини таъмирловчи цехлар очилди. Қашқадарё «Таълим-таъминот» корхонасида мактаблар учун зарур бўлган бўр ишлаб чиқариш, ҳамда Сурхондарё вилоят «Таълим-таъминот» корхонасида ҳамдўстлик давлатлари билан тузилган шартномаларга асосан тахта, ёғоч, ўқув қуроллари ва қурилиш материалларига алмашиш учун сабзавот тайёрлов цехи ташкил этилди.

Бошқармамиз жорий йилнинг 6 ойи ичида ўқув муассасаларига зарур бўлган воситалар: 10 минг дона — ўқувчилар партаси, 2 минг дона — синф доскаси, 320 минг дона — синф журналлари етказди.

«Ўзбиржеторг» томонидан икки йилдан буён умуман фонд ажратилмайди. Лекин шунга қарамай «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси томонидан 1070 дона — автошина, 2,3 млн. метр — мато, 37 млн. сўмлик — тикув маҳсулоти, 285 минг сўмлик — трикотаж, 105 минг жуфт — пойабзал тўпланди.

Афсуски, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлигидан кўз юмолмаймиз. «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси айтилган таклифларга қарамай, ўқув қуроллари ва техника воситалари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар очиш муддатини ўтказиб юбормоқда. Миллий банк орқали валюта счёти очилмади, шунинг учун ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияси Ўзбекистонга олиб келинмади.

Жойларда эскириб қолган дасттоҳларни алмаштириш чорасини кўриш, билим юртлари, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ўқув устахоналари имкониятидан кенг фойдаланиш, кўргазмали қуроллар намойишида танлаб олинган намуналарни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, Марказий Осиё республикалари билан ўқув китобларини алмаштириш йўлларини доимийлаштириш, молия ва режалаш бош бошқармаси билан биргаликда валюта счёти очиш ва республика валюта биржасига қатнашиш учун қатъий чоралар кўриш керак.

Адабиёт дарсхонамиз янги ўқув йилига тахт бўлади.

ШАРҲ:

Азиз газетхонлар! Маърифатли муаллимлар! Толиби илм ўқувчилар! Янги ўқув йили қўнғироғи чалинишига бир ой муддат қолди. Тайёргарликка масъулларни энди вақт янаям шошилтирмоқда.

Юқорида Халқ таълими вазирлигининг тегишли бўлимлари янги ўқув йилига тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдингиз. Ишлар — қизғин, режалар — кўламли, ҳаракат — масъулиятли. Аммо вақт ҳам тиғиздир.

Бизни бироз ўйлантираётган муаммолар ҳам бор. Яқиндагина вазирлик ҳайъат мажлисида педагогик кадрлар қўнимсизлиги масаласи кўрилди. Жўяли тилга ўгирадиган бўлсак, масаланинг моҳияти шуки, иқтисодий тақчиллик шароитида айрим ўқитувчилар ўз касбларини ташлаб бозорга — савдога, чайқовга ўтиб кетаётибдилар. Бугун муаллим касбининг қадрини, обрўйини кўтарадиган, муносиб баҳолайдиган пайт, қолаверса, синов футсатидир. Биламиз, ўз касбини севганлар ҳар қанча оғир келганда ҳам ташлаб кетмайдилар. Аммо қуруқ мадҳиялар, кўтаринки чорловлар билан қайтариб ҳам бўлмас. Қолаверса, эндигина педагогик дипломни олганларнинг бари ҳам йўлланган манзилларига боришлари гумон. Дипломни сандиқнинг тагига ташлаб қўядиганлар ҳам топилади. Ягона йўл — муаллим касбининг азалий қимматини тиклашдир.

Иккинчи муаммо — дарсликлар, қўлланмалар, ўқув қуролларини тайёрлаш, чоп этиш ва етказиб беришдир. Ҳукуматимиз бу иш учун миллионлаб пул маблағи ажратди. Ноширлар ўз вақтида нашр ишларини бажаришларига ҳам бирмунча ишончимиз бор. Аммо бир-икки саволимиз ҳам бор: Дарсликларнинг савияси қандай? Мустақиллик нуқтаи назаридан келиб чиқилдими? Тарихни сохталаштирган шўро салтанати асоратларидан тамом қутула олдикми? Талқинлар янгичами, холис ва ҳалолми? Дарсликлар етарли нусхада чоп этиладими? Ўз вақтида, кечикмай, қиш-қировли кунларга қолмай, биринчи қўнғироққа улгуриб етиб борадими?

Ўтган йили Ургут районидаги 8-мактабда бўлганимда, сентябрнинг охирида ҳам битта дарслик олинмаган эди. Синф журналини дафтардан ясаб олишди. «Келинглар, бу масалани кўтарайлик, ёзайлик», — десам: «Қўйинг, мактабдан, тумандан бир гап чиқиб ётмасин. Келиб қолар...» — дейишганди.

Ургут олисдир, дейлик. Куни кеча Тошкентда Сирғали туманидаги 104-мактаб директори Абдунаби Орипов билан гаплашдик. Бир неча номда дарсликлар келтирилибди. Жумладан, 110 дона «Химия», 90 та «Ўзбек адабиёти», 80 та «Рус тили», 144 та «Ўзбекистон халқлари тарихи», 60 та «Одобнома» каби бир қатор китоблар олишибди. Ҳурсанд юришибди. «Аммо янги дарсликларга бўлган эҳтиёж қондирилгани йўқ. «Алгебра», «Табиатшунослик», «Инглиз тили» дарсликлари етишмайди. Шунингдек, синф журналларини ҳам олганимизча йўқ!» — дейди куйиниб Абдунаби. Ҳа, ҳали фурсат бор. Аммо вақт — югурик; биз ҳам дарсликлар ўз вақтида ўқувчисига етишини истардик. Мабодо етса, улар каби, балким улардан-да кўпроқ хурсанд бўлардик.

Дарсликларга доир яна бир нозик муаммо бор. Маълумки, Ўзбекистондаги рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман мактаблари учун ўзаро алмашув доирасида китоблар келтиришга ҳаракат бор. Бу хайрли иш. Шу қатори улар ҳам, миллатидан қатъи назар, шу юрт фуқароларидир, ўзбек тили ва Ўзбекистон тарихини билмоқлари жоиз. Шу нуқтаи назардан «Ўзбекистон» нашриёти шундай мактаблар учун «Ўзбекистон тарихи»ни рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида чоп этишга ҳаракат бошлаганини эшитиб қувондик. Айнан шу мактаблар учун Россиядан, бошқа тегишли мамлакатлардан дарсликлар келтирилади. Давлат манфаатларидан келиб чиқиб, масалага жиддий ёндашиш лозим. Кўз юма олмаймизки, тарихни баҳолашда турли талқинлар бор. Масалан, соҳибқирон Амир Темурни биз ҳурмат қиламиз, аммо бизга Темур қачондир забт этган юртлардан келаётган дарсликларда унинг шахси қандай баҳоланиши ҳам маълум. Биз бугун чоризм ва большевизимга қарши исёнларни миллий озодлик ҳаракатлари сифатида ҳаққоний деб баҳоламоқдамиз, Туркистоннинг босиб олинишини босқинчилик санаймиз, бироқ Россия дарсликларида бу воқеалар Ўрусия салтанати манфаатлари билан ёритилади. У дарсликларни келтириб ўқитиш қай даражада ўринли эканини ҳам ўйлаш лозим. Бильакс, аслида биз барча мамлакатлар олимлари, фозиллари, муаррихлари бирлашиб, тарихни умуминсоний, башарий нуқтаи назардан ёритишларини истар эдик. Аммо ҳали бу муроса бўлгунича мамлакат ва миллат манфаатини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Юртбошимиз «Туркистон — умумий уйимиз» деган боболаримиз кўтарган гўзал ғояни тирилтирдилар. Шу жумладан, «Ўзбекистон тарихи», «Тожикистон тарихи», «Қозоғистон тарихи» каби бўлинишлар ҳам аслида ясамадир. Давлатлар тарихда кенгайиб-қисқариб турганлар. Инқилобгача бўлган тарихни «Туркистон тарихи» сифатида барча жумҳуриятларда бир талқинда ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Бу муқаддас юмуш ҳам олдинда.

Ҳозирча, янги ўқув йилига тайёргарлик соатлари бонг уриб турибди. «Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув...» — дейдилар. Таълим — ўта муҳим иш. Унинг биносидан тортиб қаламу ўчирғичигача назардан қолмаслиги лозим. Ишончимиз борки, бу йил ҳам биринчи дарсларга тайёр ҳолда ёруғ юз билан борамиз.

Карим ҲАКИМЎҒЛИ.

Мулоҳаза, таклиф

ЎҚУВ ЙИЛИНИ ҚАЧОН БОШЛАГАН МАЪҚУЛ?

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимиз ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу йўл минглаб йиллар давомида шаклланган ўз улкамиз табиати, халқимиз миллий анъаналари, урф-одатлари, шу билан бирга умуминсоний қадриятларига асосланган йўлдир. Шунга кўра барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим тизимида ҳам, уларни қуллаб-қувватлаган ҳолда, ўқув мавсумига боғлиқ бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Бу фикр мамлакатимиз иқлим шароити ва унинг болалар руҳияти билан боғлиқлигига таллуқлидир.

Менинг назаримда ўқув йили ҳозиргидек биринчи сентябрда эмас, биринчи августдан бошлангани маъқул. Шундай қилинса, ўқув йилининг чораклар бўйича тақсимоти қуйидагича кўриниш касб этади:

1 АВГУСТ — янги ўқув йилининг бошланиши;

I ЧОРАК — август-сентябрь;

КУЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИ — 1—20 октябрь;

II ЧОРАК — 20 октябрь—27 декабрь;

ҚИШКИ ТАЪТИЛ — 27 декабрь— 6 январь;

III ЧОРАК — январь—6 март.

БАҲОРГИ ТАЪТИЛ 7—12 март.

IV ЧОРАК — 13 март-30 апрель.

СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 2—20 май кунлари.

Энди ўқув муддатларини мен таклиф этаётгандек ўзгартириш сабабларига тўхталмоқчиман. Биринчи сентябрь биз учун энг улуғ айём — мустақиллик байрами. Шубҳасиз, бу айём мактабларнинг педагогик жамоаси ва ўқувчиларидан маълум тайёргарлик кўришни тақозо этади, яъни ўқувчилар байрам кунига дафъатан томошабиндек келиб қолмай, маълум бир сценарийлари асосида жиддий тайёргарлик кўрадилар.

Октябрь ойида кузги йигирма кунлик таътил пайтида болалар дам олиш билан бирга мактабларнинг ўқув-тажриба участкаларида меҳнат қилишади. Пахта йиғим-теримида, полиз ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда, ота-оналарига баҳоли қудрат ёрдам беришади. Шу билан бирга ҳозирдагидек ўқув жараёни бузилишининг олди олинади. Ўқув йилининг 20 майгача тугалланишининг икки афзаллик томони бор.

Биринчидан, бу пайтда кунлар ҳали исиб кетмаган, болаларда дарс жараёнида билим олишга иштиёқ сўнмаган,ҳозиргидек уйқусизлик таҳдид солмаган бўлади.

Иккинчидан, болалар ота-оналарига ипак қурти боқиш каби ишларда ёрдам бериш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Энг муҳими, 34 ҳафталик ўқув режаси биз таклиф этаётган муддатда ҳам тўлиқ бажарилади.

Бу фикрлар фақат биргина менинг шахсий мулоҳазаларим эмас. Қишлоқ муаллимларининг кўпчилиги шундай фикрдалар.

Ўйлайманки, мутасадди ташкилотларнинг тегишли мутахассислари мен таклиф этаётган фикр юзасидан зарур мулоҳазаларини билдирадилар.

Садат ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги 74-ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси.

ҲАММАГА НАФИ ТЕГАДИ

Республикамиз бюджетидан мактаб ва маориф учун ажратилаётган маблағ шундоқ ҳам етмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бу маблағни ҳам ўрни-ўрнида, тежаб-тергаб сарфлаш мумкин. Аммо биз эскича қолипдан чиқа олмай, айрим ҳолларда давлатнинг қанчадан-қанча маблағини кўкка совуриб келмоқдамиз.

Назаримда, Узбекистонда мактабдаги ўқитиш муддатларини қайта кўриб чиқиш ва маҳаллий шароитга, фаслга мослаб, қолаверса, тежамкорликни ўйлаб амалга ошириш керак. Масалан, ўқув йилини икки ўқув семестрига бўлиб, каникулни — таътилни ёздан юртимизга қишки чилла кирганидан то тугагунча қишга кўчирилса, Ватанимиз жуда катта маблағни иқтисод қилиши мумкин. Яъни, қиш чилласида мактабларни иситиш, ёритиш учун кетадиган ёқилғи ва электр қуввати тежаб қолинади.

Агар бир мактаб ҳисобида олсак, таътил қишга кўчирилгани туфайли ўрта ҳисобда 50 тонна кўмир, 2000 киловатт-соат электр-қуввати тежалади. Буни туман, вилоят, республика миқёсида ҳисоблаб чиқилса, юртимиз, она-Ватанимизнинг қиймматбаҳо ёқилғиси ва электр қувватларининг қанчаси тежаб қолиниши яққол кўзга ташланади. Қолаверса, мактаблар совуқлиги туфайли қишда ўқиш тўхтаган ҳоллар ҳам бор.

Албатта, ўша ёқилғи ва электр қуввати учун сарфланаётган маблағларни мактаблар қуриш, жиҳозлар сотиб олиш, таъмирлаш каби зарур ишларга ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қолаверса, болалар қишнинг совуқ кунларида ота-оналари қарамогида бўладилар. Айниқса, олис овуллардан қатнаб ўқийдиганларга соз бўларди. Ўқитувчиларга эса меҳнат таътилининг тенг ярмини қишда, қолганини ёзги ойларда бериш мумкин. Ўқув йилини эса қуйидагича икки ярим йилликка ажратиш мумкин:

Биринчи ярим йил — 2 сентябрдан 25 декабргача, иккинчи ярим йил — 1 февралдан 31 майгача, қишки таътил — 25 декабрдан 1 февралгача, ёзги таътил 31 майдан 2 сентябргача. Ярим йилликлар ўртасида бошланғич синфларга қўшимча дам олишлар ҳам белгиланиши мумкин.

Умуман, бу таклиф кенг миқёсда ўрганиб чиқилса, шунга ўхшаган миллий, ўзига хос ўқув йили (даври) яратиб олинса, ундан ҳаммага наф тегади. Бунга сиз нима дейсиз, азиз ҳамкасблар?

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги А. Раҳмат номидаги 34-ўрта мактаб директори.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли газетхонлар, эътиборингизга икки муаллимнинг бир мавзудаги мулоҳазаларини ҳавола этамиз. Узоқ йиллик тажрибага қулоқ соладиган бўлсак, бу таклифлар бир оз ғалатироқ, ортиқча ташвиш бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, мамлакатимиз табиий шарт-шароитлари, турмуш тарзи ва миллий анъаналаридан келиб чиқиб, мулоҳаза юритсак, муаллимларимиз фикрларида мантиқий асослар йўқ эмас. Ҳарҳолда мулоҳаза қилишга, яна бир бора чуқурроқ ўйлаб кўришга муносиб фикрлар. Бу таклифлар мутасадди идоралар раҳбарларини, тегишли мутахассисларни эътиборсиз қолдирмайди, дея умид қиламиз.

Истиқлол шарофати билан илму маърифатда қадимий ўзанларимизга қайта бошладик. Шаклланган мустақиллик мафкурасига кўра, дарслар мумтоз адибларимиз суянган Шарқ фалсафасига асосан ҳам ўтилиши керак. Муаллимларимиз бу борада қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шуларни ҳисобга олиб, бу ўринда Шарқ фалсафасининг ўзаги бўлмиш Тасаввуф ҳақида мактаб қоидаларига мос равишда ахборот беришни лозим топдик.

МАКТАБДА ТАСАВВУФ

Узбек адабиётининг мумтоз адиблари ўрта асрларда тасаввуф маърифатидан илҳомланиб ижод қилганлар. Улар ижодини ўрганишдан аввал бу ҳақда умумий қилиб камида бир соат ахборот бериш лозим. Бунинг учун тўлиқ Н. Комиловнинг «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» тўпламига киритилган (Т., 1994) «Тасаввуф» мақоласига ва И. Ҳаққулнинг «Тасаввуф ва шеърият» (Т., 1991) китобига асосланса бўлади. Мактабда тасаввуф ҳақида ахборот беришнинг шакли ва мазмуни тўғрисида илк бор сўз очган А. Абдураззоқовнинг қарашларида («Аадабиёт дарсларида атеистик тарбия» Т., 1990, 72-90-бетлар) жиддий камчилик ва хатоликлар бор. Муҳатарам олимимизнинг тасаввуфшунос эмаслиги бу борада панд берган. Шундай қилиб бизнингча, мактабнинг11-синф ўқувчисига ушбу ахборотларнигина берса етарлидир. Баёнда янада соддалиикка интилган маъқул.

ТАЪРИФ ВА ТАРИХ

«Тасаввуф» атамасининг келиб чиқиши ва англатган маъноси ҳақида турлича қарашлар бор. Лекин кўпчилик унинг арабча «суф» (жун) сўзидан келиб чиққанлиги хусусидаги фикрни тасдиқлайдилар. Воиз Кошифий (XV аср) «Футувватномаи султоний» асарида дейди: «Унсур суфия» китобида биринчи булиб «суфий» деган номни олган киши Одам ато фарзандларидан бири — Шиш (Шис) эди, деб нақл қилинади... Унинг либослари яшил суфдан (суф — жун мато) экан ва Шишдан кейин жун матодан кийим (хирқа) кийиб юрувчиларни «суфий» дейдиган бўлдилар. Узини шу тоифага мансуб деб биладиганларни тасаввуф аҳли деб юритадилар». Чунки тасаввуф аҳли ташқи кўринишнинг абгорлиги ботиннинг улуғлигидан иборат, деган қарашда бўлганлар. «Тасаввуф», «Суфий», «суфийлик» (суфизм) атамалари ана шундан келиб чиққан. «Дарвеш», «ошиқ», «қаландар» ва «абдол», «фақир» каби атамалар шу сўзнинг синонимларидир. Суфийлар (тасаввуф аҳли) уч гуруҳга бўлинадилар: 1) Муоширлар — тасаввуф аҳлини дўст тутиб, уларга хайрихоҳ бўлувчилар; 2) Мутарасмлар — тасаввуф аҳлининг умумий расм-русумларига (масалан зикрга) қўшилувчилар; 3) Муҳаққиқлар — тасаввуфни касб қилиб олган кишилар. Ҳақиқий суфийлар ушбу муҳаққиқлардир.

Ҳақиқий тасаввуф VIII асрда Пайғамбарнинг фаолияти билан дунёга келди. Бунга қадар у назарий жиҳатдан тўлиқ шаклланмаган эди. Шундан сўнг у дастлаб Эронга, сўнг Туркистонга утди (IX аср). У аввал зоҳидлик (ҳамма нарсадан парҳез қилиш) шаклида бўлди. IX асрдан эътиборан тасаввуф номини олди. Тасаввуфнинг йирик таълимотга айланишида арабларда Ҳасан Басрий, Робия Адавия, Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож кабиларнинг, форсларда Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳаким Саноий, Бобо Куҳий, Абдурраҳмон Жомий сингариларнинг, туркийларда Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Суфи Оллоёр ва Аҳсаний кабиларнинг хизматлари катта бўлди. Улар тасаввуфий маърифатни элга бахшида қилишда жонбозлик қилдилар. Юртимизда тасаввуф жараёни асримиз бошларига қадар давом этди.

ФАЛСАФАСИ

Тасаввуф аҳлининг қарашига кўра, олам ваҳдат ул-вужуддан, яъни ягона Борлиқдан иборат. Бу борлиқ мутлақ, ажралмас, бўлакларга бўлинмас. У ўз-ўзида мавжудликка эга. Унинг нимадан пайдо бўлганлигини идрок қилиш учун ақлнинг имконияти етмайди. Уни фақат ҳис қилиш мумкин. Бу ягона Борлиқ ҳамиша ўзидан нур таратиб, оламларни ҳаракатлантириб туради (ҳаёт бағишлайди). Оламларнинг эса адади йўқ, улар чексиз. Баъзан 18 мингта дея тасаввур қилинади. Мавжудотнинг асоси шу ягона борлиқдан олинади. Мисол учун одамнинг моҳияти бўлмиш Руҳи шу Борлиқдан бир зарра. У бу дунёга келиб комиллашади, чиниқади (яшайди) ва етукка айланиб, яна ўз асли ягона борлиққа қайтади. Узга мавжудотларнинг ҳам тақдири шундай. Инсоннинг мақсади ана шу аслиятни таниш йўлида маърифат қилишдан иборатдир.

АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Тасаввуф ана шу дунёқарашни англаб етиш ва унинг воситасида онгли яшашни тарғиб этади. Бунинг учун маърифат (билим) керак. Билим эса юксак одоб-ахлоқдан бошланади. Тасаввуфчилар одоб-ахлоқни иккига бўладилар: 1) Ахлоқи замима. Бунга молу дунёга ҳаддан ташқари ўчлик, кибр, манманлик, жоҳиллик, нодонлик, каби энг ёмон хулқ-атворлар киради. 2) Ахлоқи ҳамида. Бунга эзгулик, меҳр-оқибатли бўлиш, ҳотамтой, сахийлик каби энг яхши инсоний феъллар киради. Тасаввуф аҳли ана шу ахлоқи ҳамидани узда шакллантириш учун бир нечта одоб қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бундай қоидаларнинг сони баъзан 400 дан ошиб кетган. Кейинчалик улар ихчамлаштирилиб ушбу 7 одоб қоидаси ишлаб чиқилган: 1) «Талаб» — комиллик йўлига кириш. 2) «Ишқ» — ўз мақсадига нисбатан меҳр ҳосил қилиш. 3) «Маърифат» — инсон сирларини тушунишга интилиш. 4) «Истиғно» — мақсадни тақдир деб билиш. 5) «Ҳайрат» — инсоний феъл-атвордан завқ олиш. 6) «Тавҳид» — мақсадга етиш учун ишонч» 7) «Фақру фано» — ҳамиша комилликка иштиёқ сезиш ва ҳар бир ҳосил қилган эзгу сифатларни амалда қуллаш. Инсон шу тариқа ахлоқи ҳамида ҳосил қила боради ва ўз-ўзини руҳий жиҳатдан англаб, ҳақиқатгўйга айланади. Бу тарбиявий жараён тўрт босқичга бўлиб олиб борилади, яъни тасаввуф йўлига кирган киши шаърий ҳаётда яшайди (шариат), сўнг устоз раҳбарлигига ўтади (тариқат). Булардан сўнг одоб сирларини устоз раҳбарлигида кашф қилади (маърифат), ниҳоят ўз мақсадини топади (ҳақиқат). Шундай қилиб тасаввуф кишиси ўз кўнглидаги нурдан воқиф бўлади.

«ТАРИҚАТЛАР»

XII асрда машҳур тасаввуфчилар ўзларининг махсус одоб қоидаларини ишлаб чиқа бошладилар. Булар «тариқатлар» (йўллар) деб аталди. Мақсад — тасаввуфга кирган кишини мумкин қадар тезроқ комиллаштиришдан иборат эди. Чунки кишилар ўзгача қарашларга кела бошлаган эдилар. Шунда билимдон устозлар (шайхлар) раҳбарликни ўз қўлларига олдилар. Натижада тасаввуфнинг соф таълимоти турли хурофотлардан, бидъатлардан сақлаб қолинди. Шундай қилиб тасаввуф тарихида йигирмага яқин тариқатлар ўтганлиги маълум. Шулардан тўрттаси бизнинг юртимизда кенг фаолият олиб борган. 1) Яссавийлик. Асосчиси Аҳмад Яссавий (вафоти.1166 й.) Узига хослиги: ёлғон сўзламаслик, онгли яшаш, ҳаром емаслик, ҳеч нарсага озор бермаслик ва ҳоказо. Адабиётимиздаги машҳур вакиллари А. Яссавий, С. Боқирғоний, Азим Хожа эшон ва Дукчи эшон.

2) Ҳожагон — нақшбандийлик. Асосчилари Абдулхолиқ Ғиждувоний (XII аср) ва Баҳоуддин Нақшбанд (XIV аср) Узига хослиги: сир сақлаш, ҳаромдан ҳазар қилиш, ўз меҳнати эвазига кун кўриш ва ҳоказо. Адабиётимиздаги машҳур вакиллари: Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Суфи Оллоёр, Ҳувайдо, Огаҳий.

3) Кубровийлик. Асосчиси Нажмиддин Кубро (вафоти. 1221й). Узига хослиги: ўша парҳезкорлик, тақводорлик, сахийлик, Ватан саодати учун фидокорлик ва ҳоказо. Адабиётимиздаги машҳур вакиллари: Паҳлавон Маҳмуд, Ҳусайн Хоразмий, Сайфи Саройи.

4) Қодирийлик (водийда тўрачилик деб юритилади). Асосчиси Абдулқодир Ғилоний (вафоти. 1166 й). Узига хослиги: ҳеч қачон кибр қилмаслик, ўз моли билан ғурур қилмаслик, оддий кийиниш ва ҳоказо. Адабиётимиздаги машҳур вакилларидан ҳозирча Ҳазиний маълум.

Таъкидлаш лозимки, бу тариқатлар зинҳор бир-бирларини инкор қилмайдилар. Аксинча улар бир-бирларини тўлдирадилар. Тасаввуфий маърифат ва маданий тараққиёт борасида якдилдирлар.

АТАМАШУНОСЛИГИ

Мумтоз адибларимиз тасаввуф маърифатини тасниф этишда ўзига хос тимсоллардан фойдаландилар (бу тасаввуфда «истилоҳот», яъни атамалар деб юритилади). Бу ҳол ўз навбатида асарнинг бадиийлигини оширди. Шу ўринда энг зарурий ҳисобланган бир нечта тасаввуфий атамаларнинг маънолари билан таништириб ўтмоқ лозим. «Ишқ» (май, бода, шароб) — маърифатга йўналтирувчи туйғу, «Ғам» — онгли яшаш учун ақл мезони. «Ёр» — маърифат яратувчи олий идеал, мақсад; унинг «сочи» — дунё, моддий олам; «ўчи» — инсон, қалб. «Қош» — руҳий ҳис қилиш, тасаввурот; «юз» — мутлоқ билим; «хол» — энг нозик ва чуқур тушунча; «оғиз» — устознинг ўгити, панд-насиҳати; «лаб» — ширин сўз, одоб; «Тер» (кайф арақ) — тириклик белгиси; «кўз» — маърифат чашмаси, «киприк» — қалбдаги эзгуликларни кашф этиш; «бел» — хаёл (фантазия); «ияк» — ҳаловат; «оёғ» — ҳидоят, нур; «оғуш» — сирни кашф этиш; «Туфроқ» — комиллик; «бу дунё» — моддият унсурлари, вужуд; «у дунё» — маънавият, маърифат олами, «тарки дунё» — маърифатга қатъий киришиш ва ҳоказо.

Лозим бўлса атамаларни тушунтириш учун байтлар келтириш мумкин.

БОШ МАҚСАД

Тасаввуфнинг бош мақсади кишиларни комиллаштириш ва шунинг воситасида жамиятни тараққий эттириш эди. Уларнинг фикрича, инсон нодон бўлиб туғилмайди. Балки яшаш давомида нодонга айланиши мумкин. Шу сабабли у жиддий тарбияга муҳтож. Тасаввуфдан мурод ана шу тарбияни амалга оширишдир.

ТАСАВВУФ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Тасаввуф ўз тарихида бир неча маданий тараққиётга замин ҳозирлади. Мисол учун у тасвирий санъатнинг, рақснинг, ҳунармандчиликнинг, ашулачиликнинг, маърифатчиликнинг гуллаб-яшнашида ўрта асрлар жамиятида аҳамият касб этди. Ҳар бир давлат ўз тарихида тасаввуф ғояларидан кези билан ўринли фойдаланди. Мисол учун Темурийлар давлатининг гуллаб-яшнашида тасаввуфчиларнинг хизматлари катта бўлди. Қадим Туркистонимиз ҳам тасаввуф ғояларига суяниб юксак тараққий онларини бошдан кечирди, инсониятга бебаҳо маданият ва адабий мерос тақдим қилди. Ҳатто ғарбда «Тасаввуфни билмасдан Шарқни эгаллаб бўлмайди» деган қарашлар пайдо бўлди. Тасаввуфчилар коинот ҳақида фикр юритганларида, самога учиш инсониятнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

ХУЛОСА

Тасаввуф — ота-боболаримиз йўли. Улар бунга амал қилиб инсон сифатида яшаб ўтганлар, эзгулик яратувчисига айланганлар. Ҳеч кимсани ранжитмаганлар. «Киприкдай титраб турган» оламни сақлаб қолишга интилганлар. Улар жаҳолатга, нопокликка, нодонликка бегона эдилар. Шу маънода бизнинг минг йиллик адабиётимиз ушбу эзгу таълимот билан боғлиқ равишда ривожланди. Шу маънода бобомиз Алишер Навоий дегандилар:

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглуг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Бу «бода» тасаввуфий одоб ва маърифат эди.

Абдумалик ЁҚУБ,
Тошкент давлат университети ўқитувчиси.

Бозор иқтисодиёти шароити ўқувчидан кўп нарсани, жумладан, чуқур билимни, она ва чет тилларини яхши билишни, иқтисодни, ишбилармонликни, шу билан бирга маркетинг, бизнес, менеджер каби тушунчаларни чуқур ўзлаштиришни талаб этаяпти. Бинобарин, бундай ўқувчини тайёрлаб бериш учун ўқитувчи, мактаб жамоаси замон талаблари асосида ишлашлари лозим бўлади. Ижодкор ўқитувчилар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар меҳнатини вақти-вақти билан тақдирлаб бориш ҳам зарурий шартлардан биридир.

Шу маънода Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги амалга ошираётган ишлар, хусусан, «Йил мактаби», «Йил ўқитувчиси», «Ижодкор ўқитувчилар анжумани» каби кўплаб тадбирлар таҳсинга лойиқ. Яқинда Ўқитувчилар уйида ана шундай тадбирлардан бири — Узбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги ўқув муассасаларига мулжалланган «Оригинал кўргазмали қуролларни яратиш» бўйича II Республика кўрик-танлови ўтказилди.

— Кўргазмага Байтқўрғон қишлоги ва жамоа хўжалиги ҳудудлари акс этган тархни ҳамда «Узбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуидаги тест-плакатни олиб келдим, — деди биз билан суҳбатда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси Хайрулла Иноғомов. — Мазкур тарх 1:5000 миқёсли бўлиб, унда қишлоқ ҳамда жамоа хўжалигининг иқтисодий географик ўрни, чегаралари, ички сувлари, қишлоқ хўжалиги, муҳим транспорт ва газ магистраллари, шу ҳудудда жойлашган саноат иншоотлари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш ва савдо шахобчалари шартли белгиларда кўрсатилган.

Муаллим таъкидлаганидек, бу тархдан ўлкашунослик тўгаракларида ва топографик шартли белгиларни тушунтиришда, айниқса, қўл келади.

Муаллимнинг «Узбекистон — келажаги буюк давлат» тест-плакати эса ўғил-қизларнинг билимини мустаҳкамлаш билан бир қаторда улар оғзаки нутқини ўстиришга ҳам хизмат қилади. Унинг яна бир қулайлиги, ўқитувчи ўқувчилар билимини гуруҳ ҳолида ва якка тартибда бир зумда аниқлаб олиши ва баҳолаши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳридаги 2-мактабнинг биология ўқитувчиси Тамара Иброҳимованинг «Қўриқхоналар» ва «Экологик зоналар» хариталари, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 25-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Мақсуд Нурматовнинг «Билимингни синаб кўр!» ҳамда Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 70-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси Абдурашид Гуллиевнинг математика фани бўйича яратган «Тезлик, вақт, масофа» қурилмалари ўқитувчиларни ижодий ишлашга чорлайди.

Наманган вилояти Чуст туманидаги 12-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Йўлчибой Абдураҳмонов ўз ихтиросини «Усимликлар аниқлагичи», деб номлаган. Динамик қўлланма 21 усимлик ҳақида тўлиқ маълумот бериш имконига эга. Муҳими, унда савол-жавоблар ўғил-қизларни баҳс-мунозарага чорлаб, мустақил фикр юритишга ундайди.

Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактабнинг дефектология фани ўқитувчиси Абдумутал Маткаримовнинг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганамиз» деб номланган 36 кадрдан иборат слайд фильми ҳамда Фарғона вилояти Риштон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Зоҳиджон Қодировнинг «Топишмоқлар оламида» кўргазмаси кўпчилик диққатини тортди. Бу иккала ишланма ҳам ўғил-қизларнинг лотин графикасига оид билимларини оширишга хизмат қилади. Бироқ уларни республика миқёсида оммалаштириш қийин кечаяпти. Масалан, Абдумуталга слайд фильмини ишлаш 340 сўмга тушяпти. Агар у ишлаб чиқариш учун берилса, фильм узоғи билан 40 сўмга тушиши мумкин. Ана шунда уни кўпгина мактаб жамоалари харид қилиш имконига эга бўлади.

Ҳозир жойларда лотин ёзувига босқичма-босқич ўтишга қизғин тайёргарлик кетаяпти. Лотин ёзувига ўтиш ишини осонлаштириш мақсадида Учқўрғон туманидаги 46-махсус мактаб-интернат бошлангич синф ўқитувчиси Жамила Ҳусанова кўзи ожизлар, карлар, заиф эшитувчи ўқувчиларга мослаб расмли лотин қўл алифбосини ишлаган. Унда қўл ифодаси, расмлар коллекцияси мавжуд. Расмли лотин қўл алифбоси шу соҳа бўйича совринли ўринга муносиб, деб топилди.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 38-ўрта мактабнинг физика фани муаллими Абдурашид Қурбоновнинг «Гидро ва аэростатика» йўналиши бўйича яратган кўргазмали қуроллар комплекти ҳам юқори баҳо олди. Унда гидравлик пресс, сув насоси, гидравлик тормоз, водопровод тузилиши каби мавзулар юзасидан ўқувчиларга ўттиздан ортирилган ўгитларнинг таъсир даражасини аниқлаш ишларини олиб боришда фотоэлектропалетка қурилмаси жуда ҳам қўл келади. Бунда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида мактаб биология участкасида тажриба ишларини олиб борадилар. Маълум вақт оралатиб ўтказилган ўлчашлар натижаларини таққослаб, хулосалар чиқарадилар. Биология дарсларининг бундай ташкил этилиши ўқувчиларнинг бу фанга қизиқишларини орттиради ва мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўша оладиган мутахассислар бўлиб етишишларига ёрдам беради...

Учқўрғон шаҳар М. Охунов номидаги лицейнинг физика ўқитувчиси Маҳбубахон Азимова ҳам танловда ихтирочилик соҳасидаги иқтидорини намойиш қилди.

Истиқлол одимлари

МУАЛЛИМЛАР ЯРАТГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Жиззах шаҳри Абу Райҳон Беруний номидаги гимназиянинг физика ва информатика фанлари ўқитувчиси, «Йил ўқитувчиси-94» республика кўрик танлови ғолиби Сарвар Муродовнинг ўқув кўргазмали қуроллар кўргазмасига тайёрлаган «Фотоэлектропалетка (ФЭП)» қурилмаси физика, математика, биология дарсларида, ижодий техника тўгаракларида қўлланилади.

Фотоэлектропалетка қурилмаси математика дарсларида мураккаб интеграллаш йўли билан аниқланадиган эгри контурли ясси фигураларнинг юзасини аниқлашда ишлатилади. Фигуранинг қурилма ёрдамида тажриба йўли билан аниқланган юзаси математик ҳисоблаш йўли билан аниқланган юзага таққосланади. Ўқитишга бундай ёндошиш математикадан лаборатория ишлари ўтказиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда математикадан эксперментал тадқиқотлар олиб бориш кўникмаларини шакллантиради.

Биология дарсларида мевали дарахтлар ва қишлоқ хўжалиги экинларининг барг юзаларини ўлчаш йўли билан уларнинг ўсиш интенсивлигини, уларга таъсир этиқ тажриба кўрсатиш мумкин.

Муаллиманинг «Занжир ядро реакциясининг бориши», «Қумдонли маятник» қурилмалари иккинчи ўринни олди.

Узбекистон республикаси Фанлар Академияси Самарқанд бўлими илмий кенгаши вилоят ўқув кўргазмали қуроллар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган Қушработ туманидаги 12-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Қобил Мусаевнинг «Координата текислиги. Сон ўқи. Оддий алгебраик ва тригонометрик тенгламалар ечимлари доскаси»га яхши баҳо берганлар. Бу ишланма республикада ҳам ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди. Ишланманинг қулай томони шундаки, кордината текислигидаги михчаларга турли рангли резиналарни ўрнатиш ёрдамида турли графиклар ҳамда геометрик фигуралар ясаса бўлади. Уни бошлангич таянч, ўрта умумтаълим мактабларида, ҳаттоки, олий ўқув юртларида қуллаш мумкин. Шу боис муаллимнинг бу ихтироси ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Наманган туманидаги 27-ўрта мактабнинг математика муаллими Қодирали Раҳмонов танловга «Тригонометрик функцияларнинг қийматларини топиш жадвали» ва «Кўпбурчаклар юзаси, периметрларини топиш, кўпёқларнинг ҳажмлари, ён ва тўла сиртларини аниқлаш» ҳаракатли модулларини олиб келибди. Биринчи модул ўқувчиларга тригонометрияга оид дарс мавзуларини тушунтиришда, тригонометрик мисол ва масалаларни ечишда қўл келади. Иккинчи модулда ўғил-қизлар учбурчак, квадрат, трапециялар периметри ва юзасини топишда, куб, призма, параллелепипед каби кўпёқларнинг тасвирини модулдан кўриш билан бирга унинг ён сирти, тўла сирти ва ҳажмларини ўрганадилар. Ҳакамлар модулларнинг шу жиҳатларини инобатга олиб, уни учинчи ўринга муносиб деб топди.

Узбекистонда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, ёшларнинг жисмоний камолотини юксалтириш масалалари ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларига айланган. Республика ҳукуматининг бир қатор қарорлари аҳолини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, қизиқарли соғломлаштириш тадбирларини утказишга қаратилган. Қарорларни бажаришга оддий ўқитувчидан тортиб катта раҳбаргача, ҳамма-ҳамма масъул.

Буни дилдан ҳис этган Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 21-мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ражабали Нодиров унутилиб бораётган халқ ўйинларини қайта тиклаш йўлида катта изланишлар олиб бораяпти. Илгари «Беш тош», «Чиллак» ва «Кўчмак» ўйинларига эътибор сусайиб кетган эди. Ҳозир муаллим халқ орасида бу ўйинларни қайта тиклади. Кўргазмада эса у Узбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган «Ҳаракатли ва спорт ўйинлари» сериясидаги «Ким кучли» ҳамда «Шим-шим» миллий ўйинларига мосланган кўргазмасини намойиш қилди ва Р. Нодиров бу соҳа бўйича юқори шоҳсупага кўтарилди.

Хуллас, кўрик-танловда иштирок этганларнинг 14 нафари ўз соҳаси бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Уларга Узбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев «Ихтирочи ўқитувчи» нишонларини тантанали равишда топширди. Иккинчи ўринга муносиб деб топилган 36 нафар муаллим ҳамда «Ижодкор» ишлаб чиқариш бирлашмаси Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Учинчи ўрин соҳиблари ҳам хизматларига яраша тақдирланишди.

Баъзан ҳар қандай меҳнат тури рағбатга лойиқ-да, дейсиз. Бироқ бизни кўпроқ кўргазмада қатнашган муаллимларда яратувчанликка иштиёқ, ўзига хос шижоат борлиги қувонтирди. Шу руҳ анжуман давомида устивор бўлиб турди.

Курбонбой МАТКЎРБОНОВ.

Одамлар айтадики, тўйнинг ҳам булади-булади»си қизиқ. Узи бир кунда ўтади-кетади. Қизиқ жойи эса, маълумингизким, арафа дейилади. Айни кунларда мамлакатимиз маорифчилари бир арафа кайфиятидалар. Август кенгашлари арафаси... Унинг ҳар бир куни ўқитувчиларимизнинг қизғин тайёргарликлари билан кечмоқда. Аслини олганда куюнчак домлаларимиз Август кенгашларида бир кенгашгунларига қадар ҳам арафада юз бор кенгашиб оладилар. Айтгандай, буни суратда ҳам кўриб турибсиз. Суратқаш Б. Исмоиловнинг гувоҳлик беришича, Касби туман ижодкор муаллимлар уюшмаси раиси Эркин Холмуродов (ўнгда) методика кабинети мудири Қурбон Намозовни ҳузурига чорлаб «кенгаш олдидан» кенгашиб туришибди.

Касаба уюшмалари ҳаёти

МАДАДКОРЛИК

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти қўмитаси ўз теварагида 12 та туман ва шаҳар, 728 та бошлангич касаба уюшмаси қўмиталарини бирлаштирган.

Кейинги йилларда халқ таълими соҳасини ривожлантириш, маориф ходимларини ижтимоий ҳимоялаш борасида Узбекистон Республикаси Президентининг 18 та фармони чиқди. Вилоят қўмитаси бу фармонларнинг, ҳукуматимиз қарорларининг ижроси устидан доимий равишда назорат ўрнатган. Биргина мисол. Вилоятимиз бўйича халқ таълими соҳасида ишлаётган 2796 нафар касаба уюшма аъзолари давлат, корхона, ташкилот, муассасаларнинг уйларида яшайдилар. Фармонга кўра уларнинг ҳаммасига ўша уйларни хусусийлаштириб олишларида касаба уюшмаси туман, шаҳар қўмиталари яқиндан ёрдам беришди.

Бугунги кунда вилоятимизда фаоллик кўрсатаётган халқ таълими ходимлари муайян натижаларга эришмоқдалар. Ўз навбатида касаба уюшма аъзоларига иш ва дам олиш шароити яратиб беришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Айниқса, Хонқа, Янгиариқ, Шовот туманларида, Урганч шаҳрида бу диққатталаб ишга катта эътибор билан қаралмоқда. Кўпгина мактабларда касаба уюшма аъзолари учун дам олиш хоналари ташкил қилинган. Кам даромадли оилаларнинг аҳволидан, ногиронларнинг ҳолидан хабар олишга, якка-ёлғиз яшовчиларнинг доимий равишда ижтимоий муҳофаза қилинишига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Ушбу мақсадлар учун сўнгги ҳисобот даврида 22300 сўм сарфланди.

Фақат байрамларда эмас, балки доимий равишда кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронларга, фахрийларга, етим болаларга моддий ёрдам кўрсатиш фаолиятимизнинг муҳим жиҳатларидандир.

Халқ таълими ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини, ўқувчи-ёшлар, талабалар, шунингдек халқ таълими тизимидан нафақага чиққан фахрийларни соғломлаштириш бўйича ҳам ўтган йили эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика ва вилоят миқёсидаги дам олиш масканларида 3629 нафар касаба уюшма

Туркистон — умумий уйимиз



МАҲОРАТ КЎРИГИ

Тошкент шаҳрида турт кун давом этган II халқаро «Туркистон соврини» спорт-техника мусобақалари ниҳоясига етди.

Мусобақаларни ўтказиш ташкилий қўмитасининг саъй-ҳаракатлари туфайли: олти хил йўналишдаги беллашувлар учун ажратилган «Боғи эрам» оромгоҳи, Ўзбекистон миллий боғи, республика автомобил мактаби ва «Аранча» аэродромида зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Ўзбекистоннинг биринчи ва иккинчи командаси, Қирғизистон ва Қозоғистон командаси аъзолари ўртасидаги муросасиз мусобақалар ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳоланди.

Беллашувларда энг кучлилар ғалаба қозонишди. Ўзбекистоннинг биринчи командаси олти хил йўналишнинг бештаси — ракета моделчилиги, авиамодел, автомодел, кема моделчилиги, автокўпкураш, картинг бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Республикамизнинг иккинчи командаси авиамодел мусобақаси ғолиби бўлди.

Қирғизситон ва Қозоғистон республикаси вакиллари айрим йўналишлар бўйича дуруст натижаларни кўрсатишди.

Умумкоманда ҳисобида Ўзбекистоннинг биринчи командаси биринчи ўринни эгаллаб, «Туркистон соврини» соҳиби бўлди. Республикамизнинг иккинчи командаси — иккинчи, Қирғизистон вакиллари учинчи ўринни қўлга киритишди.

28 июль эрта тонгда карнайсурнай садолари мусобақа қатнашчиларини Республика ўқувчилар саройига чорлади.

Мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини Х.Ф.Маъсудов тўрт кун давом этган қизғин беллашувлар қардошлиги ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш омили бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Команда ва шахсий беллашувлар ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар ва фахрий ёрлиқларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев топширди.

Биз II халқаро спорт-техника мусобақаси қатнашчиларидан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Жонибек НАМАТОВ, Бишкек шаҳридаги Қирғизистон Республикаси болалар техник ижодиёт уйи директорининг муовини:

—Халқларимиз азалий қондош-жондош, ерларимиз бир-бирига туташ. Бир дарёдан сув ичамиз. Шунинг учун борди-келдини кенгроқ йўлга қўйсак, умумий ишимизга кони фойдадир.

Ўтган йили шаҳримизда ўтказилган спорт-техника мусобақалари 1992 йилда Урта Осиё республикалари халқ таълими вазирликлари томонидан имзоланган шартномаларни рўёбга чиқаришдаги амалий ишлардан бўлди. Биз Тошкент шаҳрида ўтказилган II халқаро мусобақа жуда уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги гувоҳимиз.

«Туркистон соврини» мусобақаси ўтказилиши муносабати билан ўқувчилар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовар жойларини кўздан кечиришди. Энг, муҳими, болалар бир-бирлари билан дўстлашишди.

С.Г.ИБРОҲИМОВ, Чимкент вилоят болалар техник ижодкорлик маркази директори ўринбосари:

—Биз II халқаро «Туркистон соврини» мусобақаларида иштирок этиб, беҳад хурсанд бўлдик. Узбек оғаларимизнинг самимий бағри очиқликлари, хуштавозеликлари узоқ вақт ёдимизда қолади. Мусобақа очилишидан тортиб совринлар топширилгунча ўйин-кулги шодиёналик бизга ҳамроҳ бўлди.

Қозоғистон Республикаси командаси кичикроқ таркибда иштирок этган бўлса ҳам, айрим ўқувчиларимиз мусобақаларда яхши кўрсаткичларга эришишди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитларига қарамай халқ таълими вазирликлари ёшларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш мақадида уюштирган бу тадбир халқларимиз порлоқ истиқболига хизмат қилишига ишончим комил.

Суратларда: мусобақалардан лавҳалар.

Сураткаш Р.АЛЬБЕКОВ.

Қутлаймиз!

МЎЪТАБАР МАСКАН МАСЛАҲАТГЎЙИ

Нега барча инсон бирдек ҳурматга сазовор булавермайди? Бундай нотабиий саволларга турлича жавоб бериш мумкин. Қисқасини айтадиган бўлсак, ҳаёт, янаям аниқроғи ибратли ҳаётгина инсонга обрў келтиради. Улуғ мутафаккир бобомиз Мирзо Улуғбекнинг деганлари фикримизга асос бўла олади: «Инсон фақат ўзининг хулқу одоби, билими билан қадр-қийматга эга бўлади».

Узининг билими, маҳорати, яхши хулқи билан ҳурматга сазовор бўлган инсонлардан бири Шавкат Саидқуловдир.

Юқорида ибратли ҳаёт ҳақида гапирдик. Ҳаёт бир кундан иборат эмас, демакки ибрат ҳам бир маротабалик эмас, Ҳаёт сония, дақиқа, соат, ой, йиллардан, ибрат эса яхшилик, самимийлик, зукколик, ақллилик...лардан иборат. Уларнинг йиғиндиси эса ибратли ҳаётдир.

Худди шундай Ш. Саидқулов ҳам ҳурмат-эътиборга бир кунда лойиқ бўлган эмас. У Самарқанда туманидаги 43-мактабда ўқиб юрган чоғидан бошлаб, СамДУнинг физика факультетини тугатгани, муаллим бўлиб ишлагани, туман, қишлоқ ижроия қўмиталарида фаолият кўрсатгани, туман халқ таълими бўлимида мудирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарлиги ва айни кундаги вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ректорлиги пайтигача бўлган вақтда ўзига нисбатан ҳурматни игна билан қудуқ қазигандек алфозда тўплади.

Айни кунларда у раҳбарлик қилаётган илмгоҳда узгаришлар катта. Унинг бошида албатта Шавкат Саидқулов турганлиги кундай аён. Газетамизнинг олдинги сонларидан бирида институтнинг 50 йиллик тўйи муносабати билан қилинаётган ишлар, янгиликлар борасида маълумот бергандик. Мустақил юртнинг маорифида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ҳар қандай жамиятда ҳам халқнинг хатсаводли, маърифатли бўлиши давлатни дунё миқёсида обрўйини кутариб туради. Бу борадаги ишларда Ш. Саидқуловга сабот ва матонат ҳамроҳ бўлсин деймиз.

Тасодифни қарангки, илмгоҳнинг 50 йиллик тўйи нишонланган йилда, унинг раҳбари ҳам шу ёшга тўлиб турибди. Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги Ш. Саидқуловнинг кўп йиллик самарали меҳнатларини инобатга олиб Қори-Ниёзий номидаги кўкрак нишони билан тақдирлади. Бу қўшалоқ байрамлар, шодиёналар билан мўътабар маскан раҳбари Ш. Саидқуловни ва у ишлаётган жамоани табриклаб, ишларида ривож тилаб қоламиз.

Ғайрат ШОУМАРОВ, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори, профессор. Ҳалим САИДОВ.

Бири кам дунё

БЕШ ҲАФТАЛИКНИНГ... ЖИНСИ АНИҚЛАНДИ

Буюк Британияда биринчи марта беш ҳафта атрофидаги ҳомиланинг жинси аниқланди. Қандай қилиб дейсизми? Онадан олинган қоннинг тест қилиниши билан амалга оширилган бу усул айни пайтда дастлабки босқичларида ҳомилада юз берадиган анормал ҳолатларни аниқловчи катта бир ютуқ сифатида баҳоланди.

«Ланжет» журналининг хабар беришига кўра, Лондондаги аёл Мария университети коллежи касалхонаси шифокорлари томонидан ишлаб чиқилган тестлар ҳомилага тегмай, фақат она қонини текшириш йўли билан амалга оширилиб, ҳомилага ҳеч қандай зарар етказмади. Маълумотларга қараганда, бачадонга тушганига ҳали беш ҳафта бўлмаган уч ургочи ва икки эркак ҳомиланинг жинслари қон тести ёрдамида аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, эришилган ютуқлар кутилаётган муваффақиятларнинг дебочасидир, холос.

229 МИЛЛИОН ЖАРИМА

Англияда болалар хавфсизлигига таҳдид солиб, ўз еридаги тўрт арғувон дарахтини кесган инглиз аёлига 8 минг фунт стерлинг (229 миллион турк лираси) миқдорида жарима солинди. Майден Ҳинд кентида яшовчи Жаклин Жилл исмли уй бекаси маҳкама томонидан «қўриқланувчи дарахтни кесиш»да айбланди. Маҳкама кесилган ҳар бир дарахт учун 2000 фунт стерлинг жарима тўлашни қарорлаштирди. Ниллнинг «бу кекса дарахтлар болаларим устига қулаб тушишидан қўрқиб кесдим» тарзидаги баҳонаси маҳкама томонидан инобатга олинмади.

БОЙЛИК ОРТТИРИШ ЙЎЛИДА

Апеннинда одамларни бойлик орттириш мақсадида ўғирлаб кетиш энг сердаромад «соҳа»лардан бири бўлиб қолмоқда. Италия агентлигининг хабар беришига кўра, фақат ўтган йилнинг ўзидагина мамлакатда ўн икки кишини ўғирлаб кетишган. Улардан ҳозиргача уч киши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу уч кишини жиноятчилар ҳамон ўз қўлларида ушлаб туришибди. Ҳисобкитобларга кўра, бундай босқинчилик туфайли ўғрилар ҳозирча одамларни қайтариб бериш эвазига қарийб 20 миллиард лир пул ишлаб олганлар.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ЖАЖЖИЛАРНИ ЧОРЛАГАН МАКОН

Ҳайратлар оламида қанотлари осмонга тегай-тегай деб турфа қушлар уча бошладилар. Дунё уларнинг сайроғига, булбуллар навосига ғарқ бўлди. Ложувард само денгизи қирғоқлари бўйлаб заррин нурларини соча-соча шарқдан ғарбга томон қўёш йўлга чиқди. Чумолилар жуссасидан бир неча бор улканроқ юкни ортмоқлаб инларига кета бошладилар. Олам чечакларнинг ҳиди, гулларнинг хушбўйига тўлди. Тоғ чўққиларидан отилаётган шаршаралар — жилғага, жилғалар дарёга айланиб олдинга, олдинга қараб чопа бошлади.

Табиатда юқоридаги муъжизавий ҳолатлар рўй бераётган лаҳзаларда «Булоқча»нинг болалари ҳам қадрдон боғчаларига чопа бошлайдилар. Чунки уларни боғчада яна жуда кўп муъжизалар кутаётган бўлади. Улар боғчаларига келгач Ғиркўку Ғиротларнинг қанот чиқариб учаётганларини кўрадилар. Гўрўғлию Алпомишларнинг ерни титратган қадам товушларини эшитадилар. Афсонавий Широқ ва Тумарисларнинг жасоратларидан тўлқинланишади. Эртакдаги Зумрад, достондаги Барчину Қалдиргочларнинг меҳрибон чеҳраларидан илоҳий бир меҳр туядилар. Яна улар бу масканда жамики тириклик олами билан ошно бўладилар, дўст тутинадилар, тил топишиб сўзлашадилар.

Дарҳақиқат, Қибрай туманидаги Тошкент гидрогеология экспедициясига қарашли «Булоқча» болалар боғчасида кичкинтойларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу жажжилар масканида тарбия жараёни замон талаблари асосида тинимсиз такомиллашиб бораётгани алоҳида диққатга сазовор.

Модомики сўз «Булоқча» болалар боғчаси хусусида бораётган экан, даставвал у ҳақда қисқача маълумот бериб ўтмоқ ўринлидир. Бу жажжилар масканини 1984 йилда ташкил этилган. Айни кунда мавжуд 4 та гуруҳда 95 нафар бола тарбияланмоқда. Бешта тарбиячи кичкинтойларга парвона. Услубчи ва музика ўқитувчиси кичкинтойлар дунёқарашини шакллантириш, сўз бойликларини ошириш, ҳаёт, адабиёт ва мусиқа олами ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш учун тинимсиз ижодий изланишда. Ундан ташқари, «Булоқча»да кичкинтойларга ғамхўру меҳрибон, туну-кун болалар тақдирини ўйлаб елиб-югурадиган жонкуяр ва фидойи бир аёл бор. Бу аёл боғча мудираси Мамлакат Мирзаевадир. Камтарин ва ширинсухан бу аёл «Булоқча» ташкил этилгандан буён шу даргоҳда хизмат қилиб келаётир. Бутун меҳрини, қалб ҳароратини кичкинтойлар тарбиясига бағишланган болажон тарбияси мана икки йилдирки, боғча мудираси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ёш бўлишига қарамасдан, бутун бир жамоага бош бўлган мудиранинг шиори шу: «Боғчадаги ҳар бир болани худди ўз боласидек тарбиялаш, баркамол қилиб устириш».

Гапирсангиз бола қулоқ солади-ю, ҳамиша ҳам эсида олиб қолавермайди. У ўз кўзи билан кўрса, кузатса, катталарга ҳамкор бўлиб, ҳаракат қилса, ана шунда мурод ҳосил бўлади. Ана шунда ижодкор, яратувчи инсонни вояга етказамиз, — дейди мудира Мамлакатхон Мирзаева биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам боғчамизда болаларнинг амалий кузатув фаолиятларини ривожлантириш, машғулотларни амалий тарзда ўтказиш, табиат бағрига саёҳат, қизиқарли учрашувлар, театрларга бориш, ҳайвонот боғларига сайр, турли хил ўйинлар, турли расм-русум ва урф-одатларимизга оид тантаналар, маданий-маънавий тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади. Зеро, шоир айтганидай «Ғудак англаб етгувчи ҳар битта калом, кашф этилгувчи янги бир олам» эканлигини бир лаҳза бўлса-да унутишга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Биз яна бир нарсани ҳам ёдда тутмоғимиз лозим. Мурғак ғудакни тарбиялаб, билимлар маскани — мактабга йўллаймиз. Боланинг боғча даврида шакланган дунёқараши, олган билими, кейинчалик мактабда ҳам билим олишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам кундалик машғулотларимизга давр руҳини чуқур сингдиришга, у хоҳ одобномадан, хоҳ инглиз тилидан, хоҳ математикадан бўлсин, жонли ва қизиқарли ўтказилиши учун бор имкониятларни ишга соляпмиз.

Ҳа, «Булоқча» болалар боғчасида ҳаёт худди булоқ сувининг жилдирашидай тиниқ ва мавжли, айни пайтда қувноқ ва жўшқин. Бу жажжилар маскани миллий йўналишдалиги билан ҳам эътиборга молик. Дарвозадан киришданақ миллий руҳдаги расмлар, турли безаклар, Ватанга садоқат, меҳнатчеварлик, ёши катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, қон-қардошлик, одобахлоқ каби энг эзгу хислатларни улуғловчи шиорлар ва мақоллар беихтиёр диққатни ўзига тортади. Турли мевали ва манзарали дарахтлар, спорт майдончаси, очиқ айвонча жажжилар масканига ўзгача бир чирой, ўзгача бир файз бахш этган. Ичкарида ҳам шундай ҳол кўзга яққол ташланади. Миллий жиҳозлар билан безатилган хоналарда ҳар хил ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар тартиб билан териб қўйилган.

Ҳатто болаларни овқатлантиришда ҳам ўзига хослик, миллийлик сезилиб туради бу қувноқлар масканида. Бу ерда ҳамма овқатлар фақат сариёғда пиширилади. Ошхонанинг таомлар рўйхатида манти, палов, чучвара каби миллий таомлар ҳафтасига бир неча бор қайт этиб қўйилган.

Албатта, боғчани моддий жиҳатдан таъминлашда оталиқ ташкилот — Тошкент гидрогеология экспедициясининг хизмати катта. Бу ташкилот раҳбарлари ўз хизматчиларининг фарзандлари учун керакли макон ҳамма нарсани ўз вақтида етказиб, болаларни маънан ва руҳан камол топишлари учун қўлдан келганча ёрдам бериб келишаётир. Фикримизга кичкинагина бир мисол. Мана, яқиндагина боғчадан мактабга кузатилаётган 15 нафар болага оталиқ ташкилот сумка совга қилди. Болаларни хурсанд қилиш учун бошқа байрам ва тадбирларда ҳам ҳар хил совғалар уюштириб туришади.

Ота-оналар ҳам боғча билан яқин алоқада, доимий ҳамкорликда. Бири суратларга ишлов беришда ёрдамлашса, бошқаси — сув йўлларини тузатишда, яна бири — ёзги айвончани таъмирлашда, хуллас, болалари яхши тарбияланиши учун ҳаммаси ҳам қўлдан келганча ёрдам бериб келишаяпти.

Бир сўз билан айтганда, раҳбар ижодкор, изланувчан бўлган жойда ҳамиша янгиликка интилиш бўлади. Бу масканда ҳамиша қайноқ бир руҳ, қувноқ бир руҳ ҳукмрон. Бу руҳ жажжиларни ҳатто тушларида ҳам ўзига чорлаб туради.

Зубайда УСМОНОВА.

Назм дафтаридан



Носир МУҲАММАД

МЕН СЕНИ СОҒИНДИМ

Гулсара — гулларнинг сараси,
Дилимнинг битмаган яраси,
Неча йил айрилиқ ораси,
Мен сени соғиндим.

Бокира ҳисларинг сой эди,
Юзларинг балқиган ой эди,
Қошларинг ёй эди, ёй эди,
Мен сени соғиндим.

Ўт бўлиб бағрингда ёндим мен,
Меҳрга зор эдим, қондим мен,
Не учун ишқингдан тондим мен,
Мен сени соғиндим.

Умр ҳам кечмоқда мисли ўқ,
Ва лекин хаёлинг кечмас, йўқ,
Хотира қуйдирар гўё чўг,
Мен сени соғиндим.

Оҳ, ширин оғудир муҳаббат,
Гоҳ азоб, қайғудир муҳаббат,
Безавол тўйғудир муҳаббат,
Мен сени соғиндим.

Йўлларинг нурафшон бўлсин-эй,
Юлдузлар қаҳқашон бўлсин-эй,
Пок севгинг достон бўлсин-эй,
Мен сени соғиндим.

СУМАЛАКДАН ТОШ ТОПДИМ...

Сумалакдан тош топдим,
Бир парча қўёш топдим
Кўксимда ёнди умид,
Бир ажаб сирдош топдим.

Муъжизали мўъжаз тош,
Йўлларимда бўл йўлдош.
Бир умр мушток ўтдим,
Тугади тоғдек бардош.

Омадми, бахт берурсан,
Ё муҳаббат берурсан.
Ҳижронзада кўнглимга
Балки қувват берурсан.

Боқий умр сўрайми,
Соғлиқ, ҳузур сўрайми?
Ё баҳорий туйғулар
Бергувчи нур сўрайми?

Неки бўлса, қил ато,
Сен тош эмас, бир кимё.
Бағримга босай сени,
Умидлидир бу дунё.

Муъжизали мўъжаз тош,
Йўлларимда бўл йўлдош.
Бир умр мушток ўтдим,
Тугади тоғдек бардош...

ТЎРТЛИКЛАР

Шоҳми ё гадосан — бечорадирсан,
Яратган қошида юз қорадирсан.
Бир қадам нарида пайт пойлар ажал,
Сен дунё ғамида оворадирсан.

* * *

Бағрим лола дедим, гарчи қон топдим,
Ғаним ерга урди, мен осмон топдим.
Ошимга ҳасад-ла оғу қўшдилар,
Ҳатто оғудан ҳам қут, дармон топдим.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ

М. МИРҚОСИМОВ. МАКТАБНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. Мазкур қўлланмада бошқаришнинг ҳозирги даврдаги мақсад ва вазифалари, бошқариш турлари, ақидалари ҳамда услублари назарий асосда кенг ёритилган.

Бошқаришнинг педагогик асослари қисмида мактабнинг ички бошқарув тизими, раҳбарлик услуби ва маданияти, раҳбарнинг фазилати ва обрў-эътибори, бошқариш психологияси, ташкилий-педагогик йўналишлари, мактаб ишини илмий асосда режалаштириш, ўқув-тарбия, синфлан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик, мактаб ички назорати, уни амалга оширишнинг шакл ва услублари каби қатор масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма мактаб раҳбарлари, таълим бошқармаларининг, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг раҳбар ходимлари, педагогика институтларининг талабаларига мўлжалланган.

А. ИСАМУҲАМЕДОВ. АСАЛАРИЧИЛИК. Мазкур қўлланмада асалари оиласининг биологияси, анатомияси ҳамда асаларилари боқиш, парвариш қилиш ва кўпайтириш, асалари озиқлари, асаларилар ривожланишини жадаллаштириш йўллари, уларнинг қиш мавсумидаги ҳаёти, баҳор мавсумида парвариш қилиш ишлари сингари кўпгина маълумотлар баён этилган.

Қўлланмадан ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари ҳамда ҳаваскор асаларичилар фойдаланишлари мумкин.

С. ЖУРАЕВ, Ҳ. ҚОДИРОВ. КИЧКИНТОЙЛАР НУТҚИНИ УСТИРИШ. Боғчаларда ва оилада тарбияланаётган кичкинтойларнинг нутқини ўстиришга бағишланган ҳамда асосан мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларига мўлжалланган мазкур қўлланма бу соҳада яратилган биринчи ишдир. Унда келтирилган машғулотлар ва уларнинг мавзулари, кичкинтойлар билан олиб бориладиган тегишли иш усуллари муаллифларнинг боғчалар фаолиятини узоқ вақт урганиб орттирган бой тажрибалари асосида ишлаб чиқилган.

Қўлланмадан ота-оналар ва кичкинтойлар тарбияси билан шуғулланувчи бошқа кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Б. ОМОНОВ. ҚИЗИҚАРЛИ МАТЕМАТИКА. Математика ўқитувчисининг болаларга аталган китобида муҳим тушунчалар, фактлар, кутилмаган натижалар ҳақида ҳикоя қилувчи шеърлар, қизиқарли эртаклар ва ҳикоялар жамланган булиб, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган.

Р. СИРОЖИДДИНОВ. ГРАММАТИК ТОПИШМОҚЛАР. Қўлланма мактаб ўқувчиларининг фикрлаш қобилияти ва тафаккурини ўстиришда қўл келади. Унда ўзбек тилида берилган топишмоқ — топшириқлар дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни мароқли ҳамда мазмунли ўтказиш имконини беради.

Шеърий усулдаги қўлланма мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

Р. ҲАСАНОВ, Ҳ. ЭГАМОВ. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИ. Мазкур иллюстратив материаллар 1986 йилда нашр этилган «Биринчи синфда тасвирий санъат дарслари» номли методик қўлланма асосида тузилган булиб, айрим ўзгартиришлар киритилган. Ўқитувчилар расмлардан намуналар олишлари ва эпидиаскоп ёрдамида суратни катталаштириб кўрсатишлари ҳам мумкин.

Мақсуда МИНАҲМЕДОВА, «Ўқитувчи» нашриёти муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчи ходимларни тайёрлайди:

1. Ҳар хил турдаги кийимларни тикувчи (ўғил ва қиз)лар. Ўқиш муддати — 1, 2 йил.
2. Радио-телевизор аппаратларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 2 йил.
3. Маиший уй-рўзғор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
4. Соатларни таъмирловчи усталар, ўқиш муддати — 1 йил.
5. Оёқ кийимларни тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
6. Тикув машиналарни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
7. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизимида ишловчи бухгалтерлар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш муддати бир йиллик гуруҳларга 11-синфни битирганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати икки йиллик гуруҳларга 9-синфни битирганлар қабул қилинади. Қабул 25 августгача давом этади. Билим юртини тугатганлар олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. Билим юртида ётоқхона, ошхона ва спорт комплекси муҳайё.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, 086 формадаги тиббиёт маълумотномаси, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, ижтимоий таъминот бўлимларидан йўлланма, ногирон болалар учун тиббий меҳнат эксперти ҳайъатининг тавсияномаси (ТМЭХ), 3х4 см ҳажмли 4 та фотосурат, папка ва бир дона конверт.

Бизнинг манзилимиз: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 47-уй. Маълумот учун телефонлар: 78-82-72; 78-82-70 (бухгалтерия); 78-80-80.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Икром Бўрибоев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0353. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6